БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

№ 196 (7643)
22 АВГУСТ СЕШАНБА 1950 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҚОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

# Кеча Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессияси ўз ишини тамомлади.

## Омманинг ижодий ташаббусини оширайлик ва қўллаб-қувватлайлик

Коммунистлар партияси совет халқининг йўл кўрсатучи, раҳбар кучидир. Коммунистлар партияси мамлакатимизни донолик блан ғалабадан ғалабага бошлаб бормоқда.

Партиямизнинг кучи, большевикча раҳбарликнинг кучи омма блан узлуксиз алоқада бўлишида, омманинг актив ёрдам беришидадир. Партиянинг ташкилотчилик иши барча совет кишиларининг совет жамиятидаги барча оммавий ташкилотларнинг куч-қувватини бирлаштириб, умумий мақсадга йўналтиради.

Большевиклар партияси коммунистик жамият қуриш учун курашда шунинг учун буюк муваффақиятларни қўлга киритмоқдаки, унинг асл халқ манфаатларини ифодаловчи сиёсатини кенг меҳнаткашлар оммаси актив қўллаб-қувватламоқда. Партия коммунистик қурилиш ишида омма блан бўлган алоқасини ҳардоим кенгайтирмоқда ва мустаҳкамламоқда. Миллион-миллион кишиларнинг ижодий ташаббусини оширмоқда ва қўллаб-қувватламоқда. Партия ташкилотлари ҳўжалик ва маданий қурилишнинг катта ва мураккаб вазифаларини ҳал этаётган ҳозирги вазиятда омма блан алоқани янада мустаҳкамлаш, раҳбарларнинг тажрибаларини омманинг тажрибаси, халқ тажрибаси блан бойитиш, партия раҳбарлиги усулларини такомиллаштириш масалалари биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

**«Тўғри раҳбарлик қилиш, —** деб таълим беради ўртоқ Сталин, **— бу:**

**биринчидан, масалани тўғри ҳал қилиш йўлини топабилишдир, омманинг тажрибасини ҳисобга олмайтуриб эса масалани тўғри ҳал қилиш мумкин эмас...;**

**иккинчидан, тўғри ҳал қилинган масалани амалга оширишни уюштиришдир, бунга эса омманинг тўғридан-тўғри ёрдамисиз эришиб бўлмайди;**

**учинчидан, ҳал қилинган масаланинг амалга оширилишини текширишни уюштириш, бунга ҳам, омманинг тўғридан-тўғри ёрдамисиз эришиб бўлмайди».**

Партия ташкилотларимиз ўз олдиларига партия томонидан қўйилган масалаларни шунинг учун муваффақиятли ҳал этмоқдаларки, улар ўзларининг амалий ишларида ўртоқ Сталининг кўрсатмаларига амал қилмоқдалар.

Совет жамиятининг ҳаётида меҳнаткашларнинг урушдан кейинги сталинча бешйилликни тўла ва оширib бажариш учун курашда ҳар кун янгидан-янги ижодий ташаббус, ватанпарварлик ташаббуси намуналарини кўриш мумкин. Завод ва фабрикаларда, шахта ва қурилишларда, колхоз, МТС ва совхозларда ишлабчиқаришни новаторлари меҳнат унумини оширишда катта ютуқларга эришмоқдалар, халқ ҳўжалигининг барча тормоқларини ишнинг яна ҳам янги, яна ҳам такомиллашган методлари ва усуллари блан бойитмоқдалар.

Урушдан кейинги йилларда саноатда жадал ишлаш, маҳсулотнинг а'ло сифати ва ишлабчиқаришнинг юксак маданияти учун, асосий маблағдан ва оборот маблағларидан яхшироқ фойдаланиш учун кураш, хомаш'ё ва материалларни иқтисод қилиш учун бошланган ҳаракат, техника тараққиётини тезлатиш мақсадида фан ва ишлабчиқариш аҳлларининг ижодий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш каби ишлар қизитиб юборилди. Қишлоқ ҳўжалигида мўл ҳосил усталари ва жамоат маҳсулдор чорвачилиги моҳир кишиларининг қатори кенгаймоқда, қишлоқ ҳўжалик маданиятини янада юксалтириш учун кураш тобора кенг қизиб бормоқда.

**Совет жамиятининг ажойиб фазилати шундаки, бу жамиятда меҳнаткашларнинг ҳарбир янги ташаббуси, ҳарбир янги ижодий иши миллион-миллион кишиларнинг мулкига айланади ҳамда олга қараб қилаётган ҳаракатимизни тезлаштиради.** Партия ташкилотларимиз омманинг ижодий ташаббусини ҳартомонлама ошириб ва қизғин қўллаб-қувватлаб, умумхалқ социалистик мусобақасига бошчилик қилмоқдалар, меҳнаткашларни тобора янгидан-янги муваффақиятларга эришишга сафарбар этмоқдалар.

Ҳарбир партия ташкилотининг ишида омманинг ижодий ташаббусини моҳирлик блан қўллаб-қувватлашга онд жуда кўп мисоллар бор. Ма'лумки, Москва ва Ленинград партия ташкилотлари мусобақани қизитиб юбориш, ишлабчиқариш новаторларининг тажрибасини пропаганда қилиш ва жорий этиш соҳасида катта иш олиб бормоқдалар, бу нарса жуда яхши натижалар бермоқда. Донец ва Кузнецк кўмир ҳавзаларининг большевиклари шахтёрларнинг кўмир чиқаришни ошириш учун, ўртоқ Сталин номига ёзилган Мактубда шахтёрлар олган мажбуриятни бажариш учун бошлаган мусобақасини ҳартомонлама ривожлантирмоқдалар.

Жумладан, Ворошилов шаҳар партия ташкилоти Донбассда социалистик мусобақага раҳбарлик қилишда ажойиб тажриба тўплади. Ворошилов шаҳар партия комитети Антём номли 10-нчи шахта забойчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони коммунист Понтелей Риндин кўмир қазишда биринчи марта ишлатган янги методини қўллаб-қувватлади ва кенг ёйди. Партия ташкилоти новатор — шахтёрнинг меҳнат унумини бирнеча марта оширишга имкон берадиган методини пухта ўрганиб чиқаб, бу методни барча шахталарнинг ишида жорий қилмоқда. Шаҳар партия ташкилоти шахтёрларнинг комплекс механизациянни жорий қилиш ва шахталарда янги техниканн эгаллаш учун цикл блан ишлаш графигини жорий қилиш учун бошлаган мусобақасига доимий раҳбарлик қилмоқда. Ворошилов шаҳар партия комитети ўзининг бутун иш фаолиятида шахталарнинг бошланғич партия ташкилотларига суянмоқда, уларнинг ишида янгиликни сезиш қобилиятини, хўжалик-сиёсий вазифаларни ҳал қилишга ижодий нуқтаий назардан қараш хусусиятини ривожлантирмоқда. Бу нарса ўзининг ижобий натижаларини бермоқда — шахталарда партия ишининг яхшиланиши шахтёрлар ўртасида ишлабчиқариш соҳасида юксалишни, меҳнат унумини оширишни, кўмир чиқаришни кўпайтиришни та'минлади.

Партия ташкилотлари меҳнаткашларнинг бутун куч-қувватларини коммунистик қурилиш вазифаларини бажаришга қаратмоқдалар. Партия ташкилотларининг турли-туман мураккаб иши большевиклар партиясининг сиёсатини амалга ошириш, партиянинг йўл-йўриқ ва кўрсатмаларини бажариш вазифасига бўйсундирилгандир. Большевикча ғоявийлик, амалий ишнинг ҳарқандай масаласига ижодий муносабатда бўлиш муваффақиятли ишлашнинг гаровидир. Ижодий раҳбарлик қилиш — илғор нарсаларга қараб иш кўриш, барча янги, тараққийпарвар нарсаларни ўз вақтида кўрабилиш ва қувватлаш, омманинг ташаббусини ҳартомонлама ривожлантириш демакдир.

Ўртоқ Сталин та'лим берганидек, биз кундалик иш блан шуғулланар эканмиз, бир жойда қотиб қолмаслигимиз, фақат эски қоидалар асосида яшамаслигимиз керак, балки кундалик тажрибани ўрганишимиз, хатоларни дадиллик блан тузатишимиз, шундай қилиб, янги ҳаёт қурилишига ижодий раҳбарлик қилишимиз керак. Ижодий раҳбарлик шундан иборатки, биз марксча-ленинча та'лимотга амал қилиб, ҳозирги замон қурилиш ва қураш тажрибасини ўрганишимиз, бу тажрибани илмий жиҳатдан умумлаштиришимиз ҳамда уни кундалик раҳбарлик практикасида жорий қилишимиз керак.

Партия томонидан кадрларимиз олдига қўйилган талабларга жавоб бериш учун, янги турмуш қурилишига ижодий раҳбарлик қилиш учун партия ходимлари марксча-ленинча назарияни ҳардоим ўрганишлари, партия томонидан ўзларига топширилган ишни чуқур билишлари, омма блан алоқаларини мустаҳкамлашлари керак. Ижодий раҳбарлик қилиш — бутун кучни партиянинг йўл-йўриқлари ва кўрсатмаларини бажариш йўлида уюштирабилиш, республика, ўлка, область ва район шароитида барча резерв ва имкониятларни топабилиш ва улардан мумкин қадар яхшироқ фойдаланабилиш демакдир.

**Партия ходими ҳарқандай ишга умумдавлат манфаатлари нуқтаий назаридан қараб, ташаббус кўрсатиши, қўйилган вазифаларни бажаришга саботлилик намунасини кўрсатиши, ишда юксак талабчанлик ҳамда камчиликларга нисбатан муросасизлик намунасини, омманинг ташаббусига ва илғор тажрибасига ҳушёрлик блан муносабатда бўлиш намунасини кўрсатиши керак.**

Ба'зи маҳаллий партия ташкилотларининг ишида ҳали ҳам омманинг ташаббусига нотўғри қараш, расмиятчилик блан муносабатда бўлиш фактлари учрамоқда. Бир мисол келтирамиз: «Красное Сормово» заводининг ишчилари ўтган йили заводда тежалган материаллардан пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш учун мусобақа ташаббускорлари бўлдилар. Заводда оғир иш жараёнларини машиналаштириш учун кураш қизиб кетди, ёш ишчиларнинг малакасини ошириш юзасидан катта ишлар қилинди. Завод партия ташкилоти мана шу ташаббусларга бошчилик қилди. Горький шаҳар партия комитети бу ташаббусларни ўз вақтида ма'қуллади, уларни шаҳардаги бошқа корхоналарда ҳам ёйиш зарурлигини э'тироф этди. Лекин фақат яхши ташаббуснинг ўзигина кифоя эмаслиги ҳам ма'лум. Қарор қабул қилингандан кейин, шу қарорни амалга ошириш юзасидан катта ташкилий иш олиб борилиши, қабул қилинган қарорнинг бажарилиши системали равишда текшириб борилиши керак. Горький шаҳар партия комитети эса ўзи қабул қилган қарорларни унутиб қўйди, уларнинг ижро қилинишини текширмади ҳамда амалда, мусобақа илғорларининг ташаббусини қўллаб-қувватламади.

Ишда турғунликка, тўрачиликка қарши, янги, илғор, тараққийпарвар нарсаларнинг туғилишига ва мустаҳкамланишига халал берадиган ҳамма нарсага қарши кескин кураш олиб боргандагина омманинг ижодий ташаббусини муваффақиятли ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш мумкин бўлади. Омманинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш—большевикча танқид ва ўз-ўзини танқидни ҳартарафлама ривожлантириш, камчиликларни ўз вақтида очиб ташлаш ва тугатиш, барча участкаларда ишнинг яхшиланишига ва юксалишига эришиш демакдир.

Совет халқи ижодкор халқ, яратучи халқдир. Улуғ Ленин — Сталин партиясининг раҳбарлигида халқимиз коммунизм ғалабаси йўлида фидокорлик блан меҳнат қилмоқда. Мана шу тинчижодий меҳнатда совет кишиларининг талант ва қобилиятлари тобора кенг яшнамоқда, бутун куч-қувватларини социалистик Ватанимизнинг бахт-саодатига бағишлаётган совет ватанпарварларининг янгидан-янги ижодий ташаббуслари рўёбга чиқмоқда. Омманинг ижодий ташаббусини ошириш ва қўллаб-қувватлаш — коммунизм йўлида олга қараб қилаётган ҳаракатимизни тезлаштириш демакдир.

**(«ПРАВДА»нинг 21 августдаги бошмақоласи).**

МОСКВА, КРЕМЛЬ

### ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ

## Ўртоқ Иосиф Виссарионович СТАЛИНГА

Қадрдон Иосиф Виссарионович, Украина ССР Киев областининг колхозчилари, МТС ва совхоз ходимлари юксак ватанпарварлик руҳи блан тўлиб-тошган ҳолда, бутун дун'ёда тинчлик посбони бўлган социалистик Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши ҳақида ва унинг қудратини янада ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиб, Сизга ёзган мактубда олган мажбуриятларини шараф блан адо этганликларини, ғалла тайёрлаш давлат планини (жўхоридан ташқари) муддатидан илгари бажарганликларини Сизга ма'лум қиламиз. Озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш плани ошириб бажарилди. Энг муҳим озиқ-овқат экини бўлган буғдой 1949 йилдагига қараганда 8 миллион 951 минг пуд кўп топширилди. Кузги рапс тайёрлаш плани 141 процент бажарилди. МТС ларнинг қилган иши учун берилган счетлар бўйича давлатга ғалла топшириш давом этмоқда.

Ҳукумат ва шахсан Сиз ўртоқ Сталин томонидан Киев областининг колхоз ва совхозларига берилган катта ёрдам деҳқончиликнинг маданиятини анча юксалтириш, дон экинларидан юқори ҳосил етиштириш ва давлат ғалла тайёрлаш планини бажариш блан бирга кузда ва кўкламда экиш учун етарли миқдорда юқори сифатли уруғлик жамғариб қўйиш имкониятини берди. Бу йил колхозчиларнинг меҳнат кунига тўланадиган ҳақ анча ортди. Областнинг колхоз ва совхозлари чорвачилик учун мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтириш, чорва молларининг маҳсулдорлигини янада оширишда муҳим восита бўлган хашак ва айниқса ем ғамлаб қўйиш юзасидан катта ишлар олиб бормоқдалар.

Колхозлар, МТС ва совхозлар қўлга киритилган муваффақиятларни мустаҳкамлаб ва 1951 йилда янада юқори ҳосил олиш учун курашиб, кузги дон экиш, шудгор қилиш ишларини уюшқоқлик блан ўтказмоқдалар, областимизда муҳим техника экини бўлган қанд лавлагини қазиб ва ташиб олиш, шунингдек жўхори, кунгабоқар, картошка ва сабзавотни йиғиштириб олишга муваффақиятли тайёрланмоқдалар.

Қадрдон ўртоқ Сталин, Сизга ва'да бериб айтамизки, Киев областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга жўхори, кунгабоқар, картошка, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари топшириш юзасидан олган мажбуриятларини бажариш ҳақида Сизга берган ва'да ларини шараф блан адо этиш учун бутун куч-қувватларини сарфлайдилар.

**Украина К(б)П Киев область комитетининг секретари А. ГРИЗА.**
**Меҳнаткашлар депутатлари Киев область Совети ижроия комитетининг раиси Н. БУБНОВСКИЙ.**
**Тайёрлаш министрлигининг Киев областидаги вакили П. ПОДКУЙКО.**
**Киев область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Ф. САВЧЕНКО.**

МОСКВА, КРЕМЛЬ

### ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ

## Ўртоқ Иосиф Виссарионович СТАЛИНГА

Қадрдон Иосиф Виссарионович, Украина ССР Сталино областининг колхоз ва совхозлари ғалла тайёрлаш давлат планини (жўхоридан ташқари) муддатидан илгари бажарганликларини Сизга ма'лум қиламиз. Буғдой ва жавдари буғдой тайёрлаш плани 1 миллион 410 минг пуд ошиқ бажарилди. МТСларнинг қилган иши учун берилган счетлар бўйича давлатга ғалла топшириш давом этмоқда.

Областнинг колхозлари кузда ва кўкламда экиш планини бажариш учун ўзларини уруғлик блан тўла та'минладилар.

Қадрдон Иосиф Виссарионович, колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари Сизга ва'да бериб айтадиларки, давлатга жўхори, кунгабоқар, сабзавот ва бошқа экин ҳамда чорвачилик маҳсулотлари топшириш, кузги дон экиш, шудгор қилиш планлари ҳам муддатидан илгари бажарилади.

**Украина К(б)П Сталино область комитетининг секретари А. СТРУЕВ.**
**Меҳнаткашлар депутатлари Сталино область Совети ижроия комитетининг раиси В. КРЕМЕНИЦКИЙ.**
**Тайёрлаш министрлигининг Сталино областидаги вакили Н. АЛИШЕВ.**
**Сталино область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Ф. ШТАНЬКО.**

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

## Волга дар'ёсида Куйбишев гидроэлектростанцияси куриш тўғрисида

Волга дар'ёсида қуриладиган гидроэлектростанция Москва, Куйбишев, Саратов шаҳарларидаги саноат корхоналарига электр қуввати бериши, темир йўлларни электрлаштириши, Заволжьедаги ерларни суғориши ва Волга дар'ёсида кемалар қатновини яхшилашни та'минлайди. ССР Иттифоқи Министрлар Совети Волга дар'ёсидаги Куйбишев гидроэлектростанцияси қурилишининг катта аҳамиятга эга эканлигини э'тиборга олиб, **қарор қилди:**

1. Волга дар'ёсида Куйбишев шаҳри районида қарийб икки миллион киловатт кучга эга бўлган ва сув миқдорига қараб йилига ўрта ҳисобда ўн миллиард киловатт-соатга яқин электр қувати ишлаб чиқарадиган гидроэлектростанция қурилсин.

Гидроэлектростанция 1950 йилда қурилабошлансин ва 1955 йилда бутун қуввати блан ишга туширилсин.

2. Куйбишев гидроэлектростанциясининг қувватидан фойдаланиб, Заволжьеда бир миллион гектар ерни суғориш кўзда тутилсин.

3. Куйбишев гидроэлектростанциясини қурган вақтда Волга дар'ёси орқали тўғон устидан ўтадиган қўшимча магистрал темир йўл қуриш кўзда тутилсин.

4. Куйбишев гидроэлектростанциясининг электр қуввати қуйидагича тақсимлансин, чунончи:

а) Москва шаҳрига йилига олти миллиард юз миллион киловатт-соат электр қуввати берилсин;

б) Куйбишев ва Саратов шаҳарларининг районларига йилига икки миллиард тўрт юз миллион киловатт-соат электр қуввати берилсин;

в) Заволжье ерларини суғориш учун йилига бир миллиард беш юз миллион киловатт-соат электр қуввати берилсин.

5. Куйбишев гидроэлектростанциясини қуриш учун «Куйбишевгидрострой» қурилиш ташкилоти тузилсин.

«Куйбишевгидрострой»нинг бошлиғи қилиб ўртоқ И. В. Комзин ва қурилишнинг бош инженери қилиб ўртоқ Н. Ф. Шапошников тайинлансин.

6. Гидропроектга (ўртоқ С. Я. Жунка) Куйбишев гидроэлектростанциясининг қурилиши блан боғлиқ бўлган ҳамма лойиҳалаш-қидириш ва текшириш ишларини бажариш вазифаси юклатилсин.

7. Электростанциялар министрлигига Куйбишев гидроэлектростанциясидан кучли электр қуввати берадиган симлар тортиш лойиҳасини, шунингдек бу станциядан электр қуввати оладиган энергетика системаларини ривожлантириш лойиҳасини тузиш мажбурияти юклатилсин.

8. Йўллар министрлиги Волга дар'ёси орқали тўғон устидан ўтадиган қўшимча магистрал темир йўл қурилиши муносабати блан бу йўлга олиб келадиган темир йўл тормоқлари қуриш лойиҳасини ишлаб чиқсин.

9. ССРР Қишлоқ хўжалик министрлигига Куйбишев гидроэлектростанциясининг электр қувватидан фойдаланиб Заволжьеда бир миллион гектар ерни суғориш планини тузиш, бунда Заволжье территориясида, даставвал янги суғориладиган ерларда электр қувватидан деҳқончиликда (ер ҳайдаш ва бошқа ишларда) фойдаланиш зарурлигини кўзда тутилсин.

МОСКВА, КРЕМЛЬ

### ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ

## Ўртоқ Иосиф Виссарионович СТАЛИНГА

Қадрдон ўртоқ Сталин, Астрахань областининг колхоз ва совхозлари 1950 йилги ҳосилдан ғалла тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари бажарганликларини, озиқ-овқат ва мойли ўсимликлар топшириш давлат планларини ошириб адо этганликларини, кузда ва кўкламда экиш учун ўзларини уруғлик блан тўла та'минлаганликларини Сизга ма'лум қиламиз. Областнинг колхозлари МТСларнинг қилган иши учун берилган счетлар бўйича давлатга ғалла топшириши давом этдирмоқдалар.

Ҳозирги вақтда областнинг қишлоқ хўжалик ходимлари жамоат чорвачилигини ем-хашак блан та'минлаш, шоли, пахта, сабзавот ва полиз экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга, кузда дарахт ўтказишга тайёрланиш ва уни ўтказиш юзасидан катта ишлар олиб бормоқдалар.

Қадрдон Иосиф Виссарионович, Сизга ва'да бериб айтамизки, Астрахань областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари шоли, сабзавот-боқчачилик экинлари ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш планларини муддатидан илгари бажариш, кузги экинлар экишни муваффақиятли ўтказиш ва дарахт ўтказиш планини ошириб бажариш учун бутун куч-қувватларини сарфлайдилар.

**ВКП(б) Астрахань область комитетининг секретари Ф. МАМОНОВ.**
**Меҳнаткашлар депутатлари Астрахань область Совети ижроия комитетининг раиси А. ПЕТРОВ**
**Тайёрлаш министрлигининг Астрахань областидаги вакили А. ИШКОВ**
**Астрахань область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Г. ЦИЛИНОВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ

### *Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1950 йил 21 августдаги мажлислари тўғрисида*

## *ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ*

21 август, эрталаб соат 11 да, Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи мажлиси бўлди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг раиси депутат **Н. А. Муҳиддинов** раислик қилади.

Кун тартибида Ўзбекистон ССР Молия министри депутат М. Исомиддиновнинг Ўзбекистон ССРнинг 1950 йилги Давлат бюджети ва Ўзбекистон ССРнинг 1949 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги докладини муҳокама қилиш масаласи турибди.

Музокараларда Андижон область ижроия комитетининг раиси **Х. Хожибеков**, депутат **С. Хусаннов**, (Колхоз сайлов округи), депутат **О. Алимов** (Марказий сайлов округи), депутат **А. Муродхўжаев** (Мирбозор сайлов округи), Самарқанд область ижроия комитетининг раиси **О. Усмонов**, Ўзбекистон ССР халқ артисти **С. Эшонтўраева**, депутат **С. Знёдуллаев** (Маноқ сайлов округи), депутат **Х. Жўраев** (Тўйтепа сайлов округи), Ўзбекистон ССР Кинематография министри **З. Калонов**, депутат **И. М. Федоренко** (Булунгур сайлов округи), депутат **М. Жуманазаров** (Кегайли сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Шу блан Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи мажлиси ёпилди.

☆

21 август, кеч соат 6 да, Ўзбекистон ССР Олий Советининг сўнгги мажлиси бўлди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат **Н. А. Муҳиддинов** раислик қилади.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Молия министри депутат **М. Исомиддиновнинг** Ўзбекистон ССРнинг 1950 йилги Давлат бюджети ва Ўзбекистон ССРнинг 1949 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги доклади юзасидан музокаралар давом этди.

Музокараларда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Бош йўл қурилиши бошқармасининг бошлиғи **Н. П. Мунько**, депутат **И. Шарипова** (Хазарбоғ сайлов округи), депутат **Р. Тўхтабоев** (Охунбобоев сайлов округи), депутат **Т. А. Саримсоқов** (Тельман сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Музокаралар тамом бўлгандан кейин Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР Молия министри депутат **М. Исомиддиновнинг** охирги сўзини эшитди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССРнинг 1950 йилги Давлат бюджетини ва Ўзбекистон ССРнинг 1949 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги ҳисоботни бир оғиздан тасдиқлади. «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг 1950 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги қонун» аввало моддама-модда, сўнгра бутунича бир оғиздан тасдиқланади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **А. Э. Ниёзов** бошқа ишга ўтганлиги муносабати блан сессия депутат **А. Э. Ниёзовни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси вазифасидан озод қилишга қарор қилди.

Депутат **О. Алимов** Оқсоқоллар Советининг топширувига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб депутат **Ш. Рашидовни** сайлашни таклиф этади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб бир оғиздан депутат **Шароф Рашидовни** сайлайди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлашга ўтади. Бу масала ҳақида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари депутат **А. Абдуллаев** доклад қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети **«Ўзбекистон ССР Конституциясининг 50-нчи моддасини ўзгартириш тўғрисида»** қонун, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг **«Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлиги тузиш тўғрисида»**ги Фармонини тасдиқлаш тўғрисида қонун, шунингдек Ўзбекистон ССР Конституциясининг 90 ва 93-нчи, 75, 80, 85, 87, 100, 133 ва 138-нчи, 74—76, 78, 82, 84, 86, 102, 107, 115, 133 ва 142, 46, 61, 62, 64, 65, 68, 72 ва 73-нчи моддаларини ўзгартириш ва қўшимчалар киргизиш тўғрисида қонунлар қабул қилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг қуйидаги фармонларини тасдиқлайди:

**«Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексининг 170[б] моддасини тўлдириш тўғрисида»;**

**«Ўзбекистон ССР составида янги районлар ташкил қилиш тўғрисида»;**

**«Ўртоқ А. Мавлоновни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси қилиб тасдиқлаш тўғрисида»;**

**«Ўртоқ А. Абдураҳмоновни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида»;**

**«Ўртоқ М. Ғ. Ваҳобовни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинлаш тўғрисида»;**

**«Ўртоқ Г. А. Габриэлъянни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинлаш тўғрисида»;**

**«Ўртоқ А. Н. Рудинни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинлаш тўғрисида».**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг қуйидагиларни тайинлаш тўғрисидаги Фармонларини тасдиқлайди:

**Муҳиддин Исамуҳаммедовни Ўзбекистон ССР Ўрмон хўжалиги министри қилиб;**

**Ориф Алимовни Ўзбекистон ССР Пахтачилик министри қилиб;**

**Бекиш Носировна Ўзбекистон ССР Ғўшт ва сут саноати министри қилиб;**

**Родион Михайлович Глуховни Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министри қилиб;**

**Ахрор Назарович Мухторовни Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри қилиб;**

**Абдулла Ниёзовни Ўзбекистон ССР Ижтимоий та'минот министри қилиб;**

**Ўрин Азимовни Ўзбекистон ССР Совхозлар министри қилиб;**

**Мумтоз Муҳаммедович Муҳаммедовни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Сан'ат ишлари бошқармасининг бошлиғи қилиб;**

Ўзбекистон ССР Олий Совети ўртоқ **«Шоаҳмад Исмоиловни** ва **Мария Ивановна Саппинани** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг а'золари қилиб сайлаш тўғрисида» қарор қабул қилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети ўртоқ **Шерали Усмоновични Усмоновни, Михаил Георгиевич Солдатенковни** ва **Маҳкам Амиржоновни** Ўзбекистон ССР Олий судининг а'золари қилиб сайлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети **«Ўзбекистон ССР Олий судининг халқ маслаҳатчиларини сайлаш тўғрисида»** қарор қабул қилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети бешинчи сессиясининг кун тартибидаги масалалар кўрилиб бўлди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат **Н. А. Муҳиддинов** Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессиясини ёпиқ деб э'лон қилади.

### БИЛДИРИШ

**Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети Тошкент шаҳар Советининг депутатларига билдирадики, шу йил 23 август, кеч соат 8 да, М. Горький номидаги паркнинг ёзлик театр биносида меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг X сессияси очилади.**

**Депутатлар кеч соат 7 дан 8 гача шу ерда рўйхатга олинадилар.**

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ

# Ўзбекистон ССР Олий Совети Бюджет комиссиясининг раиси депутат ўртоқ Т. Дўстовнинг қўшимча доклади

Депутат ўртоқлар! Бюджет комиссияси Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан республика Олий Совети тасдиқига Ўзбекистон ССРнинг 1949 йилги Давлат бюджетининг ижроси ва Ўзбекистон ССРнинг 1950 йилги Давлат бюджети ҳақида киритилган масалани кўриб чиқди ва ўз хулосасини Олий Советга айтишни менга топширди.

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССРнинг 1949 йилги Давлат бюджети республика хўжалиги ва маданияти катта муваффақиятларга эришган, ўсиб-юксалиб борган бир вазиятда, Ўзбекистон меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги янада ошган бир вазиятда ижро этилди.

Ўзбекистон ССР саноатининг ялпи маҳсулоти 1949 йилда 1948 йилдагига нисбатан 10 процент ошди. Ўзбекистон ССР саноатининг кўп тармоқларида катта-катта янги корхоналар ишга туширилди, машинасозлик, пахта тозалаш ва бошқа соҳаларда ишлабчиқариш қуввати анча ошди.

Республика колхоз ва совхозлари 1949 йилда давлатга 1948 йилдагидан 200 минг тонна кўп пахта топширдилар.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги ғоят ўсганлиги, меҳнаткашларнинг фаровонлиги ошганлиги натижасида 1949 йилда чакана мол обороти миқдори 1948 йилдагига нисбатан 1 миллиард 400 миллион сўм кўпайди.

100 минг квадрат метрга яқин янги тураржой қурилди. Умумий мажбурий та'лим мактабларидаги ўқувчиларнинг сони 1948 йилдагига нисбатан 8 процент, техникумлардаги ўқувчиларнинг сони 5 процент ва олий ўқув юртларидаги студентларнинг сони 11 процент кўпайди.

Ўртоқ **Сталиннинг** барча молларнинг нархини изчиллик блан камайтириб бориш ҳақидаги кўрсатмалари оғишмай амалга оширилиши натижасида, ишчи ва хизматчиларнинг реаль иш ҳақи анча ошди, деҳқонларнинг даромади кўпайди. Шу муносабат блан сўмнинг харид қуввати ошди, совет сўми бутун дунёда энг мустаҳкам ва қадрли пул бўлиб қолди.

☆

Ўзбекистон ССРнинг 1949 йилги Давлат бюджети даромадлар бўйича 3 миллиард 115 миллион 754 минг сўм ёки 95,5 процент ҳамда харажатлар бўйича 3 миллиард 52 миллион 287 минг сўм ёки 95,8 процент бажарилди. Даромадлар харажатлардан 63 миллион 467 минг сўм кўп бўлди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ССРнинг 1949 йилги Давлат бюджети даромадлар бўйича ҳам, харажатлар бўйича ҳам бажарилмади.

Айрим соҳалар ва саноат корхоналарининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва таннархини камайтириш планларини қониқарсиз бажарганлари натижасида 1949 йилда оборотдан бюджетга 76,7 миллион сўм кам тушди ҳамда фойдалардан 5,2 миллион сўм кам ажратилди.

Айрим министрликлар ва идоралар, шунингдек уларнинг қарамоғидаги корхоналар давлат тўлов интизомининг бузилишига ҳали ҳам йўл қўйиб келмоқдалар, бюджетга ажратилиши лозим бўлган пулни оборотда тўхтатиб қолмоқдалар. Хўжалик ташкилотлари топширадиган ҳисоботларда тўловларни камайтириб кўрсатиш ҳолларига ҳали ҳам йўл қўймоқдалар, Ўзбекистон ССР Молия министрлиги (министри ўртоқ Исомиддинов) ва унинг маҳаллий органлари мана шу соҳада ўз вақтида етарли назорат қилиб турмаганлар.

Кўп молия органлари солиқ ишларини ва солиқ тўловларини йиғиш ишларини ташкил этиш соҳасида қониқарсиз ишлаганлиги бюджет даромад қисмининг бажарилмаслигига катта та'сир кўрсатди, бунинг натижасида 1949 йилда аҳолидан олинадиган солиқлар плани квартал сайин бажарилмай келди.

1949 йилда солиқ тўловчиларни ва солиқ солинадиган даромадларни тўла ҳисобга олмаслик, нотўғри енгилликлар бериш ҳоллари содир бўлди, солиқ тўлашни ошириш юзасидан етарли тадбирлар амалга оширилмади, айрим молия органларида тўланмаган солиқларни белгиланган қонуний тартибда ундириш ўрнига, уларни ялпи ўчириб юбориш каби нотўғри иш усули ҳукм сурди.

Бунинг натижасида солиқлар ва йиғимлар юзасидан бўлган боқиманда тугатилмади. 1950 йил 1 январьга 45,5 миллион сўм боқиманда қолди, қишлоқ хўжалик солиғи бўйича 18,2 миллион сўм боқиманда, бошқа тўловчилардан олинган даромад солиғи бўйича 6,3 миллион сўм боқиманда қолди. Айниқса Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Андижон областьларида катта боқимандаларнинг содир бўлишига йўл қўйилди. Ихтиёрий страхование соҳасида қониқарсиз иш олиб борилди.

Ўзбекистон ССР Молия Министрлиги ўз ишини ҳали ҳам қайта қурмади, у ўзининг маҳаллий органларидан, министрликлар ва идоралардан узоқлашиб қолган. Область, район ва шаҳар молия органларининг иши тегишли тартибда назорат қилинмайди. Юқорида кўрсатиб ўтилган областьларнинг область ижроия комитетлари молия органларининг ишига раҳбарликни бўшаштириб, улар устидан назорат қилмай қўйдилар.

1949 йил бюджетининг маблағлари асосан республика халқ хўжалиги ва маданиятининг ҳамма соҳаларини янада ривожлантиришга қаратилди. Бюджетдан 704 миллион сўм халқ хўжалиги эҳтиёжларига ва 2 миллиард 48 миллион 700 минг сўм ижтимоий-маданий тадбирларга ажратилди.

Ижтимоий-маданий тадбирларга ажратилган маблағлар қониқарсиз ўзлаштирилди. Бюджет харажат қисмидан фойдаланишдаги энг жиддий ва катта камчилик ҳам шудир. СССР Олий Советининг учинчи чақириқ биринчи Сессиясида Миллатлар Совети Бюджет комиссиясининг раиси ўртоқ Хохлов ҳам ўз докладида кўрсатиб ўтганидек, Ўзбекистон ССР да мана шу маблағлардан жуда кам фойдаланилган. 1949 йилда ижтимоий-маданий тадбирлар учун ажратилган маблағлардан ҳаммаси бўлиб 131,4 миллион сўми фойдаланилмай қолди.

1949 йилда республика халқ хўжалигининг ҳамма соҳасида катта муваффақиятларга эришилди. Лекин республика 1949 йилда пахта тайёрлаш планини бажараолмай, мамлакат олдида қарздор бўлиб қолди.

Айрим министрликлар ва идораларнинг ишида жиддий камчиликлар бўлди. Озиқ-овқат саноати министрлиги, Савдо министрлиги, «Узбекбирлашув» ва Ҳунармандчилик кооперацияси бошқармаси ўзлари учун белгиланган халқ хўжалик планини тўла ва ошириб бажариш учун курашмади, хўжалик ҳисобининг мустаҳкамланишини та'минламади, шунингдек бюджет мажбуриятларини бажармади.

Мана шу министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари ўз қарамоқларидаги корхоналарнинг фаолиятини тартибга солмадилар, ўз системаларидаги ходимларга нисбатан етарли даражада талабчанлик қилмадилар, топширилган иш учун уларнинг мас'улиятини оширмадилар, Ўзбекистон ССР Молия министрлиги ва унинг маҳаллий органлари эса айрим министрликлар ва идоралардаги эгасизлик орқасида содир бўлган нобудгарчиликларга, дебитор ва кредиторлик қарзларнинг ўсишига қарши курашни уюштирмадилар.

☆

1949 йилда Озиқ-овқат саноати министрлиги (министр ўртоқ Муҳимбоев) ниҳоятда қониқарсиз ишлади. Озиқ-овқат саноати министрлигининг корхоналари 1949 йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 4,2 процент кам бажардилар. 87 корхонадан 55 корхона ўз планини бажармади. План бажарилмаганлиги сабабли 61,5 минг тонна нон маҳсулоти, 54 минг гектолитр пиво, 4,4 минг яшик махорка ва бошқа маҳсулотлар кам ишлаб чиқарилди.

Шундай қилиб, партия ва ҳукуматнинг маҳсулотни мўл-кўл қилиш ҳақидаги кўрсатмасини Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги тўла бажармади.

Хомаш'ёдан, материал ва ёқилғидан фойдаланишдаги эгасизлик ва брак маҳсулот чиқариш натижасида юз берган нобудгарчилик озиқ-овқат саноати корхоналари ва министрликнинг маҳсулот таннархини 12,2 миллион сўмга ошириб юборди. Умумзавод ва умумцех ортиқча харажатлари 19 миллион сўм қимматроққа тушди. Ҳисобга олинган нобудгарчиликларнинг умумий суммаси 38,4 миллион сўмга етади.

Бунинг ҳаммаси 14,8 миллион сўм кам фойда кўришига ва фойдалардан ажратмалар ҳисобидан бюджетнинг даромад қисмига 6,5 миллион сўм кам маблағ тушишига сабаб бўлди.

Озиқ-овқат саноати министрлиги капитал қурилиш планини 1949 йилда 8,8 процент кам бажарди; жумладан лимитдан ортиқча қурилиш плани 20,6 процент кам бажарилди.

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги мана шу камчиликларни йўқотиш учун 1950 йилда ҳам етарли чора кўрмади.

«Узбекбирлашув» системаси ҳам (правление раиси ўртоқ Саримсоков) қониқарсиз ишлади. Бу системада 1949 йилда 218 та савдо дўкони қисқарди. Мол запаслари нормадагидан 434,8 миллион сўм ёки 55 процент кўпроқ бўлди. Мол обороти 17 кунга секинлашди. Жамоат овқатланиши обороти плани 10,2 процент кам бажарилди. Нон пиширувчи корхоналар 12.280 тонна нон маҳсулотларини кам берди. Давлат йўли блан сотиб олинадиган маҳсулотлар тайёрлаш плани бажарилмаган. Эгасизлик натижасида планда кўрсатилмаган нобудгарчиликлар 61,4 миллион сўмга етди. Бунинг натижасида «Узбекбирлашув» системаси 1949 йилда жамғарма планини 31,3 миллион сўм миқдорида ва даромад солиғидан бюджетга тўлов планини 3,3 миллион сўм миқдорида кам бажарди. 1949 йилда а'золик бадалларидан 9,5 миллион сўм кам пул тушди. Дебитор қарзлари ўз вақтида ундириб олинмаётир. Кооперация иши ва пайчиларга хизмат кўрсатиш ёмон ташкил этилган.

1949 йилда Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги (министри ўртоқ Султонов) айниқса қониқарсиз ишлади. Бу система савдо тармоғини кўпайтирмади, аксинча, савдо тармоғини 1949 йилнинг бошидагига нисбатан анча қисқартиб юборди.

Мол фондларидан ўз вақтида, тўла фойдаланилмаганлиги, савдо дўконларининг қисқартирилганлиги, моллар нотўғри тақсим қилинганлиги, молларнинг хили ва сифати аҳолининг талабига жавоб бермаслиги ва моллар хили минимумига э'тибор берилмаганлиги натижасида чакана мол обороти плани 223,8 миллион сўм кам бажарилди. Шу блан бирга Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги системасидаги бирорта ташкилот ҳам чакана мол обороти планини бажармади. Савдо корхоналари 1949 йилда гўшт маҳсулотлари фонди бўйича 9,5 миллион сўмлик балиқ маҳсулотлари бўйича 3,3 миллион сўмлик, жун моллари бўйича 4,5 миллион сўмлик кам маҳсулот бердилар. 1949 йилда озиқ-овқат моллари фонди бўйича 28,4 миллион сўмлик ва саноат моллари фонди бўйича 9 миллион сўмлик мол кам берилди. 18 ташкилотдан 13 ташкилот жамоат овқатланиш обороти планини тўла бажармади.

Мол обороти плани тўла бажарилмаганлиги, планда кўп ортиқча сарфларга ва кўрсатилмаган нобудгарчиликларга йўл қўйилганлиги натижасида, жамғарма тўплаш плани 21,7 миллион сўмлик кам бажарилди, бюджет мажбуриятлари эса 1,8 миллион сўмлик ёки 28,4 процент кам бажарилди.

1950 йил 1 январьга келиб 131 миллион сўмлик нормадан ошиқча мол запаслари ва 20,3 миллион сўмлик ўтмайдиган ҳамда эскириб қолган мол қолдиқлари қолди. Дебитор қарзи 3,5 миллион сўмгача етди.

1949 йилда савдо тармоқларида ободончилик ишлари ёмон уюштирилди. Шу блан бирқаторда капитал ремонт учун ажратилган маблағнинг фақат 64,6 проценти фойдаланилди.

Республика ҳунармандчилик кооперацияси ишларида ҳам катта камчиликлар бор. 20 тармоқдан 7 таси бўйича 60,1 миллион сўмлик маҳсулот кам берилди. 248 артельдан 116 артель планини бажармади.

1949 йилда 5,2 миллион дона пишиқ ғишт, 353 минг дона черепица, 3 минг тонна оҳак ва бошқа бинокорлик материаллари кам берилди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган муассасалар сони кўпайиш ўрнига камайиб кетди. Чиқазилаётган маҳсулот сифати ҳануз пастдир.

Тикувчилик бўйича маҳсулот таннархи 6,9 миллион сўм қимматлашди. Бу эса бошқа 16 тармоқда қилинган иқтисодни йўқ қилиб юборди.

66 та артель 7 миллион сўм зарар кўрди. Бундан ташқари 6,8 миллион сўмлик асоссиз нобудгарчиликларга йўл қўйилди, умуман эса мана шу сабабларга кўра 13,8 миллион сўм йўқотилди.

Дебитор қарзлари 1950 йил 1 январьда 28,9 миллион сўмга ва кредиторлик қарзлари 59,1 миллион сўмни ташкил этди.

Юқорида кўрсатилган министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари жамоат мулкини эҳтиёт қилиб сақлаш учун тегишли чораларни кўрмаётирлар, ундирилмаган сарфлар, талон-торожлар ва етишмасликлар катта суммани ташкил этади.

Кўрсатиб ўтилган министрликлар ва идоралар ўз қарамоқларидаги корхона ва муассасаларнинг ишини қаттиқ назорат қилиб турмадилар, кадрлар блан қониқарсиз иш олиб бордилар, кадрларнинг талабларига бепарволик блан қарадилар, давлат интизомини бўшаштириб юбордилар, корхона ва ташкилот коллективлари ўртасида маданий-оқартув ишлари бўш олиб борилди. Мана шулар натижасида юқоридаги камчиликлар содир бўлди.

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлиги республикада пахтачиликни юксалтириш соҳасида ғоят катта ишларни бажариши керак. Партия ва ҳукумат бу министрлик учун катта моддий-техника ресурслари берган ва катта маблағлар ажратган.

1949 йилда бюджет комиссияси Сув хўжалиги министрлиги қониқарсиз ишлаганлиги ҳақида Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясига ахборот берган эди. Броқ, бу министрлик (министри ўртоқ Шамсиддинов) ўз ишини ҳозиргача қайта қурмади ва белгиланган давлат планларини бирнеча йил давомида бажармай келди.

Айниқса гидротехника иншоотларини ремонт қилиш плани ёмон бажарилаётир. Кучли машина парки бўлишига қарамай, ариқ-зовурларни машина блан тозалаш плани бажарилмаётир.

Капитал қурилишларга ажратилган маблағлардан 1949 йилда ниҳоятда ёмон фойдаланилди; лимитда кўрсатилган ишлар бўйича 54,7 процент ва лимитда кўрсатилмаган ишлар бўйича 83,5 процент фойдаланилди. Аҳолининг ирригация қурилишларида ўз меҳнати блан иштирок қилиши пландагидан 51,6 процентни ташкил этди.

Лимитдан ташқари белгиланган қурилиш об'ектларида 15 тасидан фақат 2 тасида план бажарилди. Қолган об'ектларда эса план 27,3 процентдан 87,6 процентгача бажарилди. Ирригация қурилиши планининг бажарилмаганлиги 1949 йилда 74,9 минг гектар суғориладиган ернинг ўзлаштирилмай қолишига сабаб бўлди.

Шундай қилиб Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлиги 1949 йилда ҳам жуда қониқарсиз ишлади. Аҳвол 1950 йилда ҳам яхшиланмади. Биринчи ярим йилликда йирик ирригация қурилиш плани 26 процент, майда ирригация қурилиш плани 47 процент бажарилди, холос.

Меҳнаткашлар депутатлари Советлари область ва район ижроия комитетлари аҳолининг қурилишларда ўз меҳнати блан иштирок этишида Сув хўжалиги министрлигининг маҳаллий органларига етарли даражада ёрдам кўрсатмаётир.

Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар партиясининг X с'езди партия ташкилотлари ва ўзбек халқи олдига жуда муҳим хўжалик-сиёсий вазифа қўйди. Бу вазифа колхоз қишлоқларини қайта қуриш ва обод қилишдан иборат, токи, яқин 3—4 йил ичида ҳарбир колхозда клуб ёки қироатхона, ҳаммом, туғруқхонаси бўлган амбулатория, болалар яслиси ва болалар боғчаси, колхоз правлениесининг биноси, намунали хўжалик бинолари, обод йўллар бўлсин, 6—7 йил ичида кўпчилик колхозчилар учун маданий, колхоз қишлоғининг социалистик характерига жавоб берадиган уйлар қуриб берилсин.

Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига биноан, бу ишларни бажариш Қишлоқ ва колхоз қурилиш бош Бошқармасига юклатилган.

Бу Бошқарма бир йилдан бери ишлаяпти. Лекин Бошқарма ҳали ҳам ташкилий даврдан чиққан эмас, ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш соҳасида ҳали ҳечқандай амалий иш қилгани йўқ.

Бошқарма ва унинг жойлардаги органлари қониқарсиз ишлаётганлиги ва маҳаллий Советлар уларга яхши ёрдам бермаётганлиги натижасида 1949 йил ва 1950 йилнинг биринчи ярми учун белгиланган планлар бажарилмади.

Бюджет комиссияси мана шу ишларнинг муҳимлигини э'тиборга олиб, Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиясидан Қишлоқ ва колхоз қурилиш Бошқармасининг докладини эшитишни Министрлар Советига топширишни сўрашни зарур деб ҳисоблайди. Айни вақтда Министрлар Совети Бошқармага юклатилган вазифаларни бажаришни, жумладан Бошқарма ва унинг жойлардаги органларини раҳбар кадрлар блан мустаҳкамлашни та'минлайдиган чоралар кўриши керак.

Юқорида кўрсатилган министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари сессияда сўзга чиқиб ўз ишларида йўл қўйган камчиликларнинг қандай юз берганлиқ сабабларини айтиб беришлари ва бу камчиликларни битириш учун нималар қилаётганликларини сўзлаб беришлари керак.

Моддий-техника та'миноти Бошқармаси 1949 йилда мол обороти планини 3,3 процент кам бажарди. Ёғоч тайёрлаш плани 16 процент кам бажарилди, натижада республикага планга кўра 20 минг кубометр ёғоч-тахта кам келтирилди. Келтирилган ёғоч материалларининг анча қисми паст сифатли бўлгани учун қурилишга ярамади.

Ўзбекистон ССР Молия министри депутат Исомиддинов ўз докладида ижтимоий-маданий тадбирларга ажратилган маблағлардан фойдаланилмаганлигининг асосий сабабларини кўрсатиб берди.

Бу маблағлардан фойдаланишда содир бўлган бундай аҳвол Маориф министрлиги, Соғлиқни сақлаш министрлиги, маданий-оқартув муассасалари комитети ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари социал-маданий муассасаларнинг ишини яхшилашга етарли даражада ғамхўрлик қилмаётганликлари натижасида юз берди.

Маданий-оқартув муассасалари ишлари комитетининг фаолиятида ҳам жиддий ўзгариш юз бермаётир. Жуда кўп маблағ ҳали ҳам фойдаланилмай қолмоқда. Маданий-оқартув муассасалари тармоғи кенгайтирилмаётир.

Маблағлардан қонунсиз фойдаланишга ҳам йўл қўйилмоқда. Андижон область маориф бўлимининг собиқ мудири Ҳамдамов, Сталин район маориф бўлимининг мудири ўртоқ Раҳимов ва Хўжаобод район маориф бўлимининг мудири ўртоқ Ҳошимовлар ўз кабинетлари ва ўз ходимларининг кабинетлари учун 121 минг сўмлик қимматбаҳо мебельлар сотиб олганлар. Улар бу мебельларни область маориф бўлими та'минот базасининг оборот маблағлари, болалар уйларининг мулклари ҳамда бюджет бўйича мактаблар учун парта олишга ажратилган маблағлар ҳисобига сотиб олганлар. Ваҳоланки, бу районларда мактабларнинг нормал ишлаши учун 1.400 тадан ортиқ парта ва бошқа кўп нарсалар етишмайди.

Андижон областида ба'зи ўртоқлар мактабларнинг ишини яхшилаш учун парталар керак эмас, балки халқ маорифи бўлими мудирларининг кабинетларини қимматбаҳо жиҳозлар блан тўлдириш лозим, деб ўйласалар керак.

Маориф ва Соғлиқни сақлаш министрликлари ҳамда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари янги ижтимоий-маданий муассасаларни кенгайтириш планини бажариш устидан қаттиқ назорат ўрнатишлари керак.

Бюджет комиссияси Ўзбекистон ССРнинг 1949 йилги Давлат Бюджетининг ижроси ҳақидаги ҳисоботни ҳукумат қабул қилган миқдорда тасдиқлашни таклиф этади.

Депутат ўртоқлар! 1950 йил бюджетининг лойиҳаси ҳақидаги масалага ўтишга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон ССР Молия министри депутат Исомиддинов томонидан сизнинг ихтиёрингизга тақдим қилинган Ўзбекистон ССР нинг 1950 йилги Давлат Бюджети даромадлар бўйича 3 миллиард 575 миллион 332 минг сўм миқдорида, харажатлар бўйича 3 миллиард 476 миллион 558 минг сўм миқдорида белгиланган, шундай қилиб даромадлар харажатлардан 98 миллион 774 минг сўм кўпроқдир.

Ўзбекистон ССР нинг 1950 йилги давлат бюджети урушдан кейинги сталинча бешйилликнинг бешинчи йили халқ хўжалик планига мувофиқ равишда тузилган.

1950 йил бюджети республика социалистик экономикаси ва маданиятининг янада ривожланишини, пахтачиликни тобора юксалтиришни ва Ўзбекистон ССР меҳнаткашларининг фаровонлигини тобора оширишни кўзда тутади.

Социалистик хўжаликдан тушадиган даромадлар 1950 йил бюджети даромадларининг асосий манбаидир.

Халқ хўжалиги соҳасида амалга ошириладиган тадбирларга бюджетдан 942,4 миллион сўм ажратилади, хўжалик органларининг ўз маблағлари ва ижтимоий-маданий тадбирлар учун ажратиладиган 2 миллиард 209,5 миллион сўм бу ҳисобга кирмайди.

1950 йилда республика маҳаллий бюджетларининг ҳажми 1 миллиард 888,7 миллион сўмни ташкил этади ва 1949 йилда сарф этилган маблағдан 177,7 миллион сўм ёки 10,4 процент кўпроқдир.

Ба'зи министрликларнинг, шунингдек область ижроия комитетларининг раҳбарлари қўшимча маблағлар ажратишга ёрдам берилишини сўраб Бюджет Комиссиясига мурожаат қилдилар. Бюджет Комиссияси қўшимча маблағ сарф қилинишини талаб қиладиган тадбирлар бюджетнинг ижро этилиши жараёнида маблағларни иқтисод қилиб сақлаш ва қўшимча даромад ва маблағларни ахтариб топиш ҳисобига амалга оширилиши мумкин деб ҳисоблайди.

Бюджет комиссияси 1950 йилнинг 2-нчи ярмида Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига даволаш муассасаларидаги илмий ишлар учун 300 минг сўм ва даволаш муассасаларининг капитал ремонти учун 600 минг сўм қўшимча маблағ ажратиш ҳақидаги масалани кўриб чиқишни сессия Ўзбекистон ССР Министрлар Советига топширишни зарур деб ҳисоблайди. Хоразм областида Янгибозорда қурилабошлаган тураржойни тамомлаш учун 26,8 минг сўм. Тошкент областига район ва шаҳар ЗАГС бюроларини жиҳозлаш учун 75 минг сўм ажратиш керак.

Бюджет комиссияси Ўзбекистон ССРнинг 1950 йилги давлат бюджетини Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ма'қуллаган миқдорда тасдиқлашни таклиф этади.

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССРнинг 1950 йилги Давлат бюджети урушдан кейинги сталинча бешйилликнинг сўнгги вазифаларини амалга оширишда жуда катта аҳамиятга эгадир.

Бюджетни муваффақиятли амалга оширишда фақат молия органларининггина эмас, шу блан бирга ҳарбир корхона ва ташкилотнинг, шунингдек меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг халқ хўжалик планларини миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича сўзсиз бажариш учун қаттиқ кураш олиб боришлари ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шунингдек, хўжаликда мавжуд бўлган барча резервларни аниқлаш ва улардан тўла фойдаланиш учун, ишлабчиқариладиган маҳсулотнинг таннархини янада пасайтириш учун, ишлабчиқаришда фойда бермайдиган ва эгасизлик орқасида келиб чиқадиган нобудгарчиликларни ва ортиқча сарф-харажатларни тўла йўқотиш, оборот маблағларининг айланишини тезлаштириш учун, давлат маблағларини ва товар-материал бойликларини сарфлашда маблағларни қаттиқ иқтисод қилиш учун кураш олиб бориш бюджетни бажаришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Молия органлари ўз ишларида мавжуд бўлган камчиликларни дарҳол тугатишлари, даромадларни бир ме'ёрда, тўла тушиб туришини ҳамда 1950 йил халқ хўжалик планида ва бюджетида белгиланган барча тадбирларни ўз вақтида молиялаштиришни та'минлашлари зарур.

1950 йилда пахта тайёрлаш планини бажариш бутун ўзбек халқининг буюк давлат аҳамиятига эга бўлган, энг муҳим вазифасидир.

Республикада амалга ошириладиган барча тадбирлар мана шу муҳим хўжалик-сиёсий вазифага бўйсундирилиши ва шу вазифа блан боғлаб олиб борилиши керак.

Шубҳа йўқки, ўзбек халқи шонли большевиклар партиямизнинг раҳбарлигида, улуғ доҳиймиз, дўстимиз ва устозимиз ўртоқ Сталин етакчилигида буюк Совет Иттифоқидаги барча қардош халқлар блан биргаликда, социалистик мусобақани кенг қизитиб, ўз зиммасидаги вазифаларни бажаради ҳамда улуғ Ватанимизнинг шон-шарафи ва янада гуллаб яшнаши йўлида янги ғалабаларга эришади.

# Кеча сессияда

21 августда Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессияси ишини давом эттирди.

21 августдаги эрталабки мажлисда Ўзбекистон ССР Молия министри депутат М. Исомиддиновнинг Ўзбекистон ССРнинг 1950 йилги Давлат бюджети ва Ўзбекистон ССРнинг 1949 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги доклади юзасидан музокаралар бошланди.

Халқ вакиллари ўз нутқларида сессия муҳокамасига тақдим этилган давлат бюджетини чуқур таҳлил қилмоқдалар. Давлат бюджети республиканинг ўсаётган халқ хўжалиги манфаатларига, халқнинг моддий фаровонлигини янада ошириш, унинг маданиятини ривожлантириш манфаатларига тамомила жавоб беради.

Депутатларнинг қониқиш блан та'кидлаб ўтишича, бюджетнинг ҳарбир рақами большевиклар партияси, Совет ҳукумати ва шахсан ўртоқ Сталиннинг Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси коммунизм сари ишонч блан олға бораётган иттифоқчи республикаларнинг қардошлик оиласида гуллаб-яшнаши ҳақида тинмай ғамхўрлик қилаётганликларини яққол кўрсатади. Депутатлар улуғ Ватанимиз учун ватанпарварлик ҳисларига тўлиб-тошган ҳолда ўзбек халқининг халқ хўжалиги ва маданиятининг ҳамма соҳаларида эришган ғоят катта муваффақиятлари тўғрисида фахрланиб гапирадилар, социалистик қурилишнинг энг муҳим масалаларини муҳокамага қўйдилар.

Депутатлар эришилган муваффақиятларни қайд қилиш блан бирга, давлат планларини бажармаган, маблағлардан унумли фойдаланмаган министрликлар, идоралар ва корхоналарнинг ишини қаттиқ танқид қилмоқдалар. Депутатлар совет ва хўжалик ташкилотларидаги айрим раҳбарларнинг ишидаги хато ва камчиликларни большевикча принципиаллик блан очиб ташламоқдалар.

Музокараларда биринчи бўлиб Андижон область ижроия комитетининг раиси Х. Хожибеков сўзга чиқди. У, Андижон область меҳнаткашларининг урушдан кейин сталинча бешйилликнинг тўртинчи йили планини муваффақиятли бажариш учун фидокорона курашаётганликлари ҳақида гапиради. Областьнинг пахтакорлари бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириб, ҳозир йиғим-теримга ғайрат блан тайёрланмоқдалар, Ватан ва ўртоқ Сталин олдида олинган юксак мажбуриятларни шараф блан бажариш учун ҳамма кучларини сафарбар қилмоқдалар. Область саноат корхоналарининг коллективлари стахановча меҳнат қилиб, маҳсулот ишлаб чиқаришини ой сайин кўпайтирмоқдалар.

Ўртоқ Хожибеков сессиядан Андижон областига шаҳарларни ва район марказларини обод қилиш учун қўшимча маблағлар ажратишни сўрайди.

Депутат С. Ҳусаинов Ўзбекистон пойтахтини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан обод қилиш соҳасида катта ишлар қилинганлиги ҳақида гапиради. 1949 йилнинг ўзидагина бу ишга 24 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланган. Тошкент шаҳрининг 1950 йилги бюджети ўтган йилдагига қараганда анча ортиқ белгиланган. Бу эса республикамиз пойтахтини мамлакатнинг энг чиройли шаҳарларидан бирига айлантириш ишларини янада кучайтириш имкониятини беради.

Депутатлар ўзбек халқи олдида турган энг муҳим хўжалик-сиёсий вазифани, я'ни пахта етиштиришни мумкин қадар кўпайтириш вазифасини ҳал қилишга доир масалаларга кўп э'тибор бермоқдалар. Депутатлар СССР Министрлар Советининг янги суғориш системасига ўтиш тўғрисидаги Қарори ғоят катта аҳамиятга эканлигини, бу усул қишлоқ хўжалик ишларини машиналаштиришни ҳартарафлама кучайтириш ва суғориладиган деҳқончиликда илғор агротехникани кенг жорий қилиш йўли блан суғориладиган ерларда ҳосилни янада оширишни та'минлаяжагини уқдириб ўтмоқдалар.

— Иттифоқ ҳукумати, ВКП(б) Марказий Комитети ва шахсан ўртоқ Сталин Ўзбекистон меҳнаткашларига пахта учун курашда ғоят катта ёрдам бермоқдалар, — деди депутат О. Алимов ўз нутқида,—колхозлар, совхозлар ва МТС лар кучли тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари блан йилдан-йил кўпроқ та'минланмоқдалар. Шунинг натижасида қишлоқ хўжалик ишларини машиналаштириш тобора кучаймоқда.

Депутат Алимов айтдики, бу йил пахтачиликда меҳнатни энг кўп талаб қиладиган йиғим-терим ишлари кенг миқ'ёсда машиналаштирилади. 1950 йилда Ўзбекистоннинг колхоз ва совхозларида юзларча пахта териш машиналари ишлайди.

Республиканинг пахтакорлари, — деди ўртоқ Алимов, — бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашда жиддий муваффақиятларга эришдилар. Пахтачиликда ҳал қилувчи давр бўлган йиғим-терим пайтида қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг ошириб бажарилиши учун социалистик мусобақани янада кучайтириш зарур.

Ўртоқ Алимов ўз нутқида СССР Министрлар Советининг янги суғориш системасига кўчиш ҳақидаги Қарори ва колхозларни йириклаштириш масалалари ҳақида гапирди.

— СССР Министрлар Советининг янги суғориш системасига кўчиш ҳақидаги Қарори, — деди ўртоқ Алимов, — пахтачиликни ривожлантиришда тарихий бурилиш бўлиб, доимий суғориш ариқларини тугатиш ва суғориш участкаларини кенгайтириш ҳисобига суғориладиган ерлардан тўла фойдаланиш учун замин яратади, пахта далаларида машиналар ва механизмлардан унумли фойдаланиш имкониятини беради.

Депутат А. Муродхўжаев партия, ҳукуматимиз, шахсан ўртоқ Сталиннинг халқ маорифини ривожлантиришга ғоят катта э'тибор бераётганликлари ҳақида гапиради. Ўзбекистонда халқ маорифини ривожлантириш юзасидан катта ишлар қилинди. 1949—1950 ўқув йилида республикада 4797 мактаб ишлади. Сўнгги 20 йил ичида республикадаги мактабларда ўқувчилар сони олти ярим марта кўпайди.

Шу блан бирга ўртоқ Муродхўжаев маориф министрлиги ва унинг маҳаллий органларининг ишидаги камчиликларни ҳам кўрсатади. Янги мактаб биноларини қуриш ва мавжуд мактаб биноларини ремонт қилиш, мактабларни дарсликлар ва асбоб-ускуналар блан та'минлаш учун ажратилган маблағлардан Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ва маҳаллий Советларнинг айби блан тўла фойдаланилмади.

Ўртоқ Муродхўжаев халқ маорифи ходимлари мактабларнинг ишидаги камчиликларни тугатиш, болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ишларини яхшилаш учун ҳамма чораларни кўрадилар, Улуғ Сталин замонасига муносиб маданиятли, билимли совет ёшлари тарбиялаб етиштиришдан иборат шарафли бурчларини бажарадилар деб сессияга ва'да берди.

Самарқанд область ижроия комитетининг раиси ўртоқ А. Усмонов область халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари ривожланаётганлигини кўрсатувчи рақамларни келтирди. Пахта майдонлари анча ортган. Областьда чорвачилик, боғдорчилик, давлагичорлик, токчилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари муваффақиятли ривожланмоқда. Саноатнинг ялпи маҳсулот ҳажми урушдан аввалги даражага нисбатан 40 процентдан кўпроқ ошган. Самарқанд маданий марказга айланди.

Ўртоқ Усмонов Самарқанд областининг хўжалигини ва маданиятини ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапириб, Олий Советдан электр станциялар қуриш, уй-жойлар ва маданий-маиший муассасалар қурилиши учун маблағ ажратишни сўрайди.

Депутатлар ўз нутқларида бутун ўзбек халқининг фикри-зикрини ифода қилиб, Совет ҳукуматининг сулҳпарвар ташқи сиёсатини қизғин ма'қулламоқдалар, республиканинг меҳнаткашлари тинчлик ишини тинмай мустаҳкамлашга тайёр эканликларини билдирмоқдалар.

Совет кишилари,—деди Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати С. Эшонтўраева, — Ватанимиз бахти-саодати учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Социалистик давлатимизда тинч меҳнат совет кишилари ижодий фаолиятининг энг шарафли ва энг қувончли хислатидир. Бизнинг тинч меҳнатимиз буюк мақсадга—коммунизм қурилишга қаратилгандир.

Сессия қатнашчилари бу сўзларни гулдурос қарсак чалиб ма'қуллайдилар.

Депутат И. М. Федоренко ўз нутқида Мирзачўлдаги янги ерларни ўзлаштириш масалалари ҳақида гапирди. У, республика пахтачилик ва сув хўжалиги министрликлари, шунингдек Тошкент область ижроия комитети Мирзачўлдаги ерларни ўзлаштириш ишига қониқарсиз раҳбарлик қилаётганлигини айтди. Жумладан, лойиҳа материаллари тайёрланмаган, шу сабабли янги ерларни ўзлаштириш ишлари кўпинча лойиҳасиз олиб борилмоқда.

Ўртоқ Федоренко Тошкент область ижроия комитети ҳузурида янги ерлар ўзлаштирилаётган районларда мактаблар, касалхоналар, кино-театрлар ва бошқа маданий-маиший ҳамда оқартув муассасалари қуриш блан шуғулланувчи махсус трест тузиш зарурлиги ҳақидаги масалани қўйди.

Эрталабки мажлисда депутат С. Зиёдуллаев, депутат Х. Жўраев, Ўзбекистон ССР Кинематография министри З. Калонов, депутат М. Жуманазаров ҳам гапирдилар.

# Х. Хожибеков нутқи

(Андижон область ижроия комитетининг раиси)

**Депутат ўртоқлар!** Совет Иттифоқининг халқлари большевиклар партиясининг раҳбарлиги остида хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги муваффақиятларини кундан-кун кўпайтирмоқда, коммунистик жамият қурилишининг сталинча программасини амалга ошириш учун зўр ғайрат блан курашмоқда.

Совет Иттифоқидаги барча меҳнаткашлар блан бирқаторда Андижон областининг меҳнаткашлари ҳам янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқдалар. Колхозчилар, совхоз ва МТСларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, СССР Министрлар Советининг колхоз ва совхозларда пахтачиликни янада ривожлантириш чоралари ҳақидаги тарихий қарорларини амалга ошириб, 1949 йилда пахта ҳосилини бирмунча оширдилар. Ўтган йили жуда кўп илғор колхозлар, бригада ва звенолар пахтадан юқори ҳосил етиштирдилар. Қишлоқ хўжалигининг юзларча меҳнаткашлари юқори ҳосил олганликлари учун орден ва медальлар блан мукофотландилар.

Андижон областининг пахтакорлари бу йил давлатга пахта етказиб бериш юзасидан ўз зиммаларига катта мажбурият олдилар. Бу мажбуриятни бажариш соҳасида областимизнинг колхозлари ҳукуматимиз томонидан материал техника жиҳатдан ғоят катта ёрдам олмоқдалар. Бу йил областьда трактор парки бирмунча кенгайтирилди, ирригация ва мелиорация ишларини амалга ошириш учун машиналар олинди. Андижон пахтакорлари далаларимизда етиштирилган мўл пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш учун катта тайёрлик кўрмоқдалар.

Область саноат корхоналарининг коллективлари стахановча меҳнат қилмоқдалар. Илғор корхоналар 1949 йилги ишлабчиқариш планини ошиғи блан бажардилар. Давлат ва кооператив савдоси соҳасида бу йил мол обороти анча ошди.

Броқ, шу нарсани айтиб ўтиш керакки, областьнинг 1949 йилги бюджети бажарилмади. Молия органлари солиқ боқимандаларини ундиришда яхши иш олиб бормадилар. Бюджетда лимитдан ташқари капитал ишлари учун ажратилган маблағдан етарли даражада фойдаланилмади. Маориф министрлиги ва Соғлиқни сақлаш министрлигининг маҳаллий бўлимлари ажратилган маблағлардан тўла фойдаланиш учун кескин кураш олиб бормадилар.

Молия органлари маблағларнинг сарф қилиниши устидан қат'ий назорат ўрнатмадилар. Шунинг натижасида халқ маорифи бўлими, соғлиқни сақлаш, Госстрах ва бошқа бўлимлар маблағларни ноўрин сарфладилар ва давлат мулкининг ўғирланиш ҳолларига йўл қўйдилар.

(ОХИРИ УЧИНЧИ БЕТДА)

# ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ

## Х. Хожибеков нутқининг охири

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Андижон областининг 1950 йилги бюджети ўтган йилнинг бюджетига қараганда 8.7 процент кўпайган. Айниқса халқ маорифи эҳтиёжлари учун кўп маблағ ажратилмоқда. Бюджетда ажратилган маблағлар мактаблар тармоғини янада кенгайтириш, маданий-оқартув муассасалари ишини янада яхшилашга катта имкон беради.

Депутат ўртоқлар! Андижон области республикада йирик пахтакор область ҳисобланади. Областьда йирик саноат тобора ривожланмоқда. Бу нарса маданий-маиший ва уй-жой қурилиши ишларини кенг миқёсда кучайтириб юборишни талаб қилади. Аммо, бизнинг фикримизча шаҳар ва район марказларини обод қилиш ишлари учун бюджетда белгиланган маблағлар етарли эмас.

Мен Андижон областига область марказини обод қилиш учун 1 миллион 400 минг сўм маблағ ажратилишини янгидан ташкил қилинган районларнинг марказларини обод қилиш ва маданий маиший қурилишларга сарф қилиш учун Бўз районига 450 минг сўм маблағ берилишини сўрайман.

Бундан ташқари Балиқчи, Ҳолдевонбек ва Олтинкўл районларида советлар уйи қурилиши лойиҳасини тайёрлаш ва бу қурилишларда тайёргарлик ишларини олиб бориш учун 600 минг сўм миқдорида маблағ ажратилишини сўрайман.

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР нинг 1950 йилги Давлат бюджетини тасдиқлаш ҳақидаги таклифни тўла маъқуллаймиз. Бу бюджет республикамиз халқ хўжалигини ва маданиятини янада ривожлантиришни таъминлайди.

Мен сессияни ишонтириб айтаманки, Андижон областининг қишлоқ хўжалик ходимлари Ўзбекистон пахтакорлари блан бирқаторда улуғ доҳимиз ва устозимиз ўртоқ Сталинга берилган ва'дани тўла бажаришга энг муносиб ҳисса қўшадилар ва 1949 йилдагига нисбатан бу йил мамлакатга янада кўп пахта етказиб берадилар. **(Қарсаклар).**

## Депутат С. Ҳусаинов нутқи

**(Колхоз сайлов округи)**

**Депутат ўртоқлар!** Ўзбекистон ССР нинг 1949 йилги Давлат бюджетининг бажарилиши якунлари республикамиз халқ хўжалиги ва маданиятининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда эришилган янги ажойиб муваффақиятларни кўрсатади. Ўзбекистон ССРнинг 1950 йилги Давлат бюджети лойиҳаси урушдан кейинги бешйилликнинг охирги ҳал қилувчи йилида ўзбек халқи олдида турган мас'улиятли вазифаларни белгилаб беради.

Иттифоқ ҳукумати, шахсан ўртоқ Сталин меҳнаткашларнинг маданий-маиший шароитини ва турмушини яхшилаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Ўзбекистон пойтахтини мисол қилиб олганимизда бу ғамхўрлик айниқса яққол кўринади.

1949 йилда Тошкент шаҳрини обод қилиш юзасидан катта ишлар қилинди. Шу мақсадда бюджетдан 24 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. 170 минг квадрат метрдан кўпроқ йўлка ва кўчага асфальт ётқизилди, ҳамда капитал ремонт қилинди. Янги тош йўллар қурилди. Бўржар кўприги қуриб битказилди. Кўча водопроводи ва канализация тармоғи 16 километрдан кўпроқ узайтирилди. Электр чироқлари тармоғи кенгайтирилди ва капитал ремонтдан чиқарилди. Шаҳарда ярим миллиондан кўпроқ дарахт ва буталар, 4 миллион тупдан кўпроқ гул ўтқазилди.

Шаҳар транспорти аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилади. 1949 йилда икки-кита янги трамвай маршрути очилди, трамвай парки яхши жиҳозланган янги вагонлар блан тўлдирилди. Икки янги троллейбус йўлида қатнов бошланди.

Аммо, шуни эътироф қилиш керакки, шаҳар ва район ижроия комитетлари ҳамда уларнинг бўлимлари ўз ихтиёрларида бўлган барча имкониятлардан тўла фойдаланабилмадилар. Республика пойтахтининг эҳтиёжлари учун бюджетда кўзда тутилган маблағларнинг бир қисмидан фойдаланилмади. Масалан, ижтимоий-маданий муассасалар бўйича 7 миллион сўмга яқин маблағ фойдаланилмай қолди.

Тошкент шаҳрининг 1950 йилги бюджети 267 миллион 52 минг сўм миқдорида белгиланган. Бу маблағнинг 80 проценти ижтимоий-маданий тадбирларга сарфланади. Бу эса мактаблар, касалхоналар, болалар муассасалари ва маданий-оқартув муассасалари тармоғини кенгайтириш имкониятини беради. Шаҳар ободончилиги учун 24 миллион сўмдан кўпроқ маблағ белгиланган. Бу эса Ўзбекистон пойтахтини Совет Иттифоқининг энг кўркамазор ва энг чиройли шаҳарларидан бирига айлантириш имкониятини беради.

Мен ба'зи министрликларнинг ишларидаги камчиликлар устида гапирмоқчиман.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари министрлиги қурилишларни яхши сифатли ғишт блан та'минлаш чораларини кўрмаётир. Моддий-техника та'миноти бошқармаси жуда кўп миқдорда сифатсиз ёғоч-тахта стказиб бермоқда. Шаҳарга берилаётган ғишт, қурилиш ва ремонт ишларининг атиги 40—50 процентини та'минлайди. Республика Давлат план комиссиясининг раҳбарлари бинокорлик ишлари планини қоникарсиз бажараётганлигимиз учун бизни қақли танқид қилмоқдалар. Лекин шу блан бирга улар, бинокорлика керакли ғиштларни кўпроқ ишлаб чиқаришни ташкил этиш ўзларининг биринчи галдаги вазифаси эканлигини унутиб қўядилар.

Шаҳарда ўқучилар сони йилдан-йилга ошмоқда. Аммо Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги мактабларни кўпайтириш учун зарур чораларни кўрмаётир. Бундан ташқари, министр ўртоқ Муродхўжаевнинг буйруғи блан бу йил Сталин районидаги 74-нчи ва Ленин районидаги 94-нчи мактаб ёпилган.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Тошкент меҳнаткашларининг эҳтиёжларига кўпинча тамошабин бўлиб, бепарво қараб келмоқда. Министр ўртоқ Зоҳидов ҳам, унинг аппаратидаги ходимлар ҳам, даволаш муассасалари қуриш ва уларни ремонтдан чиқариш қандай бораётганлиги, шаҳар соғлиқни сақлаш муассасалари қандай ишлаётганлиги блан бирнеча йиллар давомида сра қизиқмай келаётирлар. Ҳукумат республика соғлиқни сақлаш министрлигига Тошкентда болалар ясилари қуриш учун маблағ ажратди. Аммо 8 ой вақт ўтган бўлса ҳам, қурилиш ишлари ҳамон бошланган эмас.

Гўшт ва сут саноати министрлигининг айрим корхоналари ва ташкилотлари бюджет мажбуриятларини ўз вақтида бажармаётирлар. Бу эса бюджетнинг даромад қисмини бажаришга ёмон та'сир қилади. Министр ўртоқ Носиров буни билатуриб, модия интизомининг бу хилда бузилишига чидаб келади.

Депутат ўртоқлар! Мен Тошкент шаҳрининг эҳтиёжлари тўғрисида ва пирмоқчиман. Тошкент мактабларига қўшимча ускуналар керак. Мен мактаб ускуналарини тўлдириш учун бюджетдаги маблағлардан ташқари 1 миллион сўм ажратишни сўрайман. Ишчи шаҳарчаларини ва янка уйлар қурилаётган маҳаллаларни обод қилиш учун ҳам шу миқдорда маблағ талаб қилинади.

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари урушдан кейинги сталинча бешйиллик халқ-хўжалик планини оширib бажариш, бутун дунёдаги тинчлик байроқдори бўлган буюк социалистик Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлаш учун бутун куч-қувватларини сарфлайдилар деб ва'да беришга рухсат этгайсиз. **(Қарсаклар).**

## Депутат О. А. Алимов нутқи

**(Наманган Марказий сайлов округи)**

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси муҳокамасига қўйилган республиканинг 1950 йилги давлат бюджети хўжалик ва маданий қурилиш ҳамда ўзбек халқининг фаровонлигини тобора ошириш соҳасидаги катта вазифаларга тўла жавоб беради.

Пахта — Ўзбекистон экономикасининг негизидир. Пахта етиштириш планини бажариш, пахтачиликни ҳартомонлама ривожлантириш ва пахта ҳосилини ошириш республикамиз меҳнаткашларининг асосий вазифасидир. Бутун ўзбек халқининг куч-қуввати мана шу вазифани бажаришга қаратилгандир.

Иттифоқ Ҳукумати, ВКП(б) Марказий Комитети ва шахсан ўртоқ Сталин пахта учун курашда Ўзбекистонга катта ёрдам бериб келмоқдалар. Республика колхозлари, совхозлари ва МТСлари йил сайин кўпроқ кучли тракторлар, пахта териш машиналари, экскаваторлар, грейдерлар, бульдозерлар ва бошқа машиналар блан та'минламоқда.

Бу йил чигит экиш арафасида пахтачилик соҳасида қилинган дала ишлари 90 процентгача машиналаштирилди, экин майдонининг 90 процентига чигит машина блан экилди, қатор ораларини трактор блан ишлаш анча катта ҳажмда олиб борилди.

Энг оғир иш бўлган пахта йиғим-терими машиналаштирилмоқда. Бу йил экин майдонининг 12 процентида пахта териш машиналари ишлайди, бу машиналар 100 минг теримчининг ишини қилиб беради ва йиғим-терим ишларини тезроқ тамомлашда колхозларга катта ёрдам кўрсатади.

Колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар ва қишлоқ хўжалик мутахассислари бу йил пахтадан юқори ҳосил олиш учун курашга кўп куч ва меҳнат сарфладилар. Чигит ўтган йиллардагидан анча эрта экилди. Ғўза ўтган йилдагидан анча кўп парвариш қилинди ва кўпроқ озиқлантирилди.

Республика пахтакорлари ғўр бериб фидокорона меҳнат қилиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Эндиликда республика пахта учун курашнинг мас'улиятли даврига — пахта йиғим-терим кампанияси даврига кирмоқда.

Биз бу йил ўтган йилдагидан анча кўп пахта теришимиз ва йиғим-теримни анча қисқа муддатда ўтказишимиз керак. Бу ишни муваффақиятли бажариш учун колхозлардаги барча транспорт воситаларини ўз вақтида яхши тайёрлаб қўйиш, мавжуд меҳнат манба'ларидан тўла фойдаланиш, ҳаммадан ҳам меҳнатни тўғри ташкил этишни та'минлаш ҳамда пахта теручиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, бунинг учун уларга ўз вақтида аванс бериб туриш, уларга яхши маданий-маиший хизмат кўрсатиш, намунали дала шийпонлари ва иссиқ овқат ташкил этиш керак.

СССР Министрлар Советининг Қарорига мувофиқ, сугориладиган ерлардан тўла фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик ишларини машиналаштиришни яхшилаш мақсадида янги суғориш системасига ўтиш юзасидан республикада жуда катта программани амалга ошириш соҳасида иш бошланди.

ССР Иттифоқи Министрлар Советининг янги суғориш системасига ўтиш ҳақидаги Қарори пахтачиликни ривожлантиришда тарихий бурилиш ясайди, доимий суғориш каналларини тугатиш ва суғориладиган участкаларни кенгайтириш ҳисобига суғориладиган ерлардан мумкин қадар тўлароқ фойдаланиш имкониятини беради, пахта далаларида машиналар ва механизмлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланишга йўл очади.

Колхозларни йириклаштириш юзасидан ҳозирги вақтда қилинаётган ишлар колхоз тузумини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Бирлашган колхозлар оладиган катта иқтисодий фойдалар ҳақида бирнеча мисол келтирамиз.

Наманган областида ўрта ҳисобда 210 гектардан экинзорга эга бўлган 176 колхоз бирлашди. Булардан 79 колхоз ташкил этилди. Бу колхозларнинг ҳар бири ҳозирги вақтда ўрта ҳисоб блан 672 гектар ерга экин экади. Бу колхозларда йириклаштиришдан илгари 2158 киши ма'мурий-идора ишларида банд эди, ҳозир 1507 киши ма'мурий-идора ишларини бажармоқда.

Бухоро областида бирлашган 361 колхознинг ҳар бири ўрта ҳисоб блан 285 гектар экин майдонига, жумладан 180 гектардан пахтазорга эга эди. Улар бирлашгандан кейин 147 колхоз қолди, мана шу колхозларнинг ҳар бирида ўрта ҳисоб блан 643 гектар экинзор, жумладан 449 гектар пахтазор бор. Бу колхозлардаги ма'мурий-хўжалик ходимлари 2885 кишидан 2280 кишигача қисқарди.

Броқ Хоразм областида ва Қорақалпоғистон АССРда колхозларни йириклаштириш иши жуда секин бормоқда. Тошкент, Фарғона ва бошқа областьларда колхозлар йириклашганидан кейин ҳам майда колхозлар бўлиб қолмоқда.

Бундай аҳвол шунинг учун содир бўлмоқдаки, жойлардаги айрим қишлоқ хўжалик ва совет органлари колхозларни бирлаштириш масаласига юзаки қарамоқдалар, бу муҳим масалага жиддий муносабатда бўлмаётирлар. Колхозларни йириклаштириш учун раҳбар кадрлар танлаш ишига ҳам кам э'тибор берилаётир.

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССРда етиштириладиган пахта миқдори яқин йиллар ичида анча кўпайиши керак. Бу вазифани бажариш учун пахта ҳосилини кескин равишда ошириш, шунингдек пахта майдонини анча кенгайтириш, мавжуд суғориладиган ерлардаги суғориш участкаларини кенгайтириш ва сувдан фойдаланиш ишини яхшилаш асосида у ерлардан янада яхшироқ фойдаланиш, йирик ирригация қурилиши негизида янги ерларни ўзлаштириш керак.

Пахтачиликдаги барча ишларни янада кенгроқ машиналаштириш, колхозларни бирлаштириш, майда қарталарни йириклаштириш, суғориладиган участкаларни кенгайтириш ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Қарори асосида янги суғориш системасига ўтиш йўли блангина мана шу вазифаларни муваффақиятли бажариш мумкин.

Депутат ўртоқлар! Республика Пахтачилик министрлиги системасидаги камчиликларга, айниқса совхозлар ва пахта саноати ишидаги камчиликларга тўхтаб ўтишга ижозат берингиз.

Пахта совхозлари ишлабчиқаришда фойда бермайдиган харажатлар, штрафлар ва боқимандалар ўтган йили 2 миллион сўмга етди. Шу йилнинг 6 ойи ичида ишлабчиқаришда фойда бермайдиган харажатлар 900 минг сўмни ташкил этди.

Пахта саноатида ва пахта тайёрлаш тармоқларида пахта нобудгарчилигига йўл қўйилмоқда, қоп-қанорлар ўринли ишлатилмаётир. 1949 йилда штрафлар ва сифатсиз маҳсулот учун тўланган жарималар 23 миллион сўмдан ошиқроқ бўлди, шу йилнинг биринчи ярим йиллигида эса 15 миллион сўмдан ошиб кетди.

Бундай аҳволга шунинг учун йўл қўйилдики, кўп тайёрлов пунктларида пахта заводларида ва совхозларда дастлабки ҳисобот қоидалари бузилаётир, халқ молини талон-торож қилувчиларга қарши кескин кураш олиб борилмаётир.

Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлиги ва унинг бошқармалари, трестлар, корхоналарнинг директорлари қисқа муддат ичида барча тармоқларда дастлабки ҳисоботни тўғри уюштиришлари ва яхши йўлга қўйишлари, эгасизлик кўринишларига ва молия интизомини бузувчиларга қарши кескин курашишлари керак. 1950 йилда ҳарбир корхонанинг ўз планини сифат ва миқдор кўрсаткичлари бўйича сўзсиз бажаришини та'минлаш лозим.

1950 йилда Пахтачилик министрлиги олдида республика совхозларида, МТСларида ва пахтачилик саноатида капитал қурилиш соҳасида катта вазифалар турипти. Бу йил 18 та янги МТС, 3 та пахта заводи қурилмоқда, мавжуд совхозларда, МТС ва пахта заводларида катта қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Бу қурилишларнинг умумий баҳоси 100 миллион сўмдан ошади. Шунга қарамай, капитал қурилишлар плани жуда қониқарсиз бажарилмоқда, айниқса янги МТСлар қурилиши ёмон аҳволда.

Пахтачилик министрлиги капитал қурилиш ишини яхшилаш учун бирқатор тадбирлар кўрмоқда. «Ўзхлопстрой» номли янги қурилиш трести ва областьларда қурилиш-монтаж бошқармалари ташкил этилди. Қурилишларни материаллар блан та'минлаш учун чоралар кўрилмоқда, жойларда қурилиш материалларини тайёрлаш иши ташкил этилди, аммо ба'зи қурилишларга маҳаллий ташкилотлар ишчи кучи ва маҳаллий қурилиш материаллари блан, айниқса пишиқ ғишт блан катта ёрдам беришлари керак.

Депутат ўртоқлар! Сессия муҳокамасига тақдим этилган бюджет халқ хўжалигининг ривожланиш талабларига тўла жавоб беради ҳамда республикамиз меҳнаткашлари маданияти ва фаровонлигининг янада яшнашини та'минлайди. Мен Ҳукумат томонидан тақдим этилган 1950 йил бюджетини ва 1949 йилги бюджетнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни ҳамда бюджет комиссиясининг қўшимча докладини тасдиқлашни таклиф этаман.

МТС ходимлари, совхоз, пахта заводлари ва тайёрлов пунктларининг ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва пахта саноатининг мутахассислари 1950 йил планини муваффақиятли бажаришни таъминлашга қаратилган бу қарорни қизғин табрикламоқдалар.

Қарор муносабати блан Чархин районидаги Карл Маркс номли колхознинг раиси ўртоқ Эргашев бундай деди:

—Партия ва ҳукуматимиз, шахсан улуғ Сталин социалистик қишлоқ хўжалигини тобора ривожлантириш тадбирларини амалга оширмоқдалар. Қишлоқ хўжалигининг юксалиши деҳқонларни янада фаровон ҳаётга эриштирмоқда. Янги суғориш системасига ўтиш, қишлоқ хўжалик ишларини янада машиналаштириш ҳақидаги бу тарихий қарор ҳам совет деҳқонлари тўғрисида қилинаётган сталинча ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Ҳукуматимиз яқин 3—4 йил ичида барча колхоз ва совхозларда янги суғориш системасига ўтиш вазифасини қўйди. Биз бу қарорни қизғин табриклаймиз ва уни тўла амалга ошириш учун курашамиз. Чунки, янги суғориш тартибининг амалга оширилиши, доимий ариқларнинг тугатилиб, ерларнинг текис ва яхлит қилиниши орқасида экин майдонлари анча кенгаяди. Машиналардан кўпроқ фойдаланиш имкониятини туғдиради. Шу блан бирга сувдан фойдаланиш яхшиланади.

Биз буни ўз иш тажрибамизда кўриб келмоқдамиз. Карл Маркс номли колхоз бундан 3 йил бурун 3 та майда колхоздан иборат эди. Бу колхозларнинг майда, кичкина ерларида тракторларни ишлатиш жуда қийин бўлиб, асосий иш қўл кучи блан бажарилар эди. Шунинг учун ҳам пахта ҳосили гектарига 7—8 центнердан ошмас эди. Уч колхоз бирлашгандан кейин ерларимиз яхлит бўлди, майда ариқлар йўқотилиши ҳисобига ер анча кенгайди. Машиналардан яхшироқ фойдаланабошладик. Пахта ҳосили эса ҳар гектарига анча ошди.

Иттифоқ ҳукуматининг бу қарори қишлоқ хўжалигини яна ҳам ривожлантириш, ер-сувдан унумли фойдаланиш, деҳқончилик ишларини машиналаштириш, пахта ҳосилини тобора ошириш йўлларини белгилаб беради.

Биз партия ва ҳукуматимизнинг сталинча ғамхўрлигига пахтадан яна ҳам мўл ҳосил етиштириш, бу йилги ҳосилни сра нобуд қилмай йиғиб-териб олиб давлатга топшириш, ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта бериш ҳақидаги мажбуриятимизни тўла бажариш блан жавоб берамиз.

Райондаги «Оқ олтин», Ворошилов номли ва бошқа колхозларнинг а'золари ҳам СССР Министрлар Советининг қарорини қизғин муҳокама қилмоқдалар. Бу блан бирга пахта йиғим-теримга ҳартарафлама пухта тайёрлик кўрмоқдалар.

**Р. АШУРОВ.**

Андижон область, Ленин районидаги Каганович номли колхоз а'золари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг мактубини муҳокама қилиб, ҳар гектар ердан 38 ўринга 40 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдилар. Ҳозир колхозчилар ҳосилга ҳосил қўшиш ва йиғим-теримга пухта тайёрланиш учун тинмай курашмоқдалар. **Суратда:** колхоз раиси **Тешабой Матёқубов** (ўнгда) **Мамажон Аҳмедов** бошлиқ бригада ғўзасини кўздан кечирмоқда. Бу бригада гектаридан 50 центнердан ҳосил беришга ва'да қилган.

С. Безносов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

## Республикамиз колхозчилари янги суғориш системасига ўтиш ҳақидаги қарорни қизғин ма'қулламоқдалар

## Сталинча ғамхўрлик

САМАРҚАНД. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбиридан**). СССР Министрлар Советининг «Суғориладиган ерлардан тўла фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик ишларини машиналаштиришни яхшилаш мақсадида янги суғориш системасига ўтиш тўғрисида» чиқарган қарорини колхозчи-деҳқонлар зўр қониқиш блан кутиб олдилар. Совет деҳқонлари қишлоқ хўжалик маданиятини тобора кўтаришга, колхозчиларнинг ҳаётини янада яхшилашга қаратилган бу қарорни қизғин табрикламоқдалар.

Қарор муносабати блан Чархин районидаги Карл Маркс номли колхознинг раиси ўртоқ Эргашев бундай деди:

—Партия ва ҳукуматимиз, шахсан улуғ Сталин социалистик қишлоқ хўжалигини тобора ривожлантириш тадбирларини амалга оширмоқдалар. Қишлоқ хўжалигининг юксалиши деҳқонларни янада фаровон ҳаётга эриштирмоқда. Янги суғориш системасига ўтиш, қишлоқ хўжалик ишларини янада машиналаштириш ҳақидаги бу тарихий қарор ҳам совет деҳқонлари тўғрисида қилинаётган сталинча ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Ҳукуматимиз яқин 3—4 йил ичида барча колхоз ва совхозларда янги суғориш системасига ўтиш вазифасини қўйди. Биз бу қарорни қизғин табриклаймиз ва уни тўла амалга ошириш учун курашамиз. Чунки, янги суғориш тартибининг амалга оширилиши, доимий ариқларнинг тугатилиб, ерларнинг текис ва яхлит қилиниши орқасида экин майдонлари анча кенгаяди. Машиналардан кўпроқ фойдаланиш имкониятини туғдиради. Шу блан бирга сувдан фойдаланиш яхшиланади.

Биз буни ўз иш тажрибамизда кўриб келмоқдамиз. Карл Маркс номли колхоз бундан 3 йил бурун 3 та майда колхоздан иборат эди. Бу колхозларнинг майда, кичкина ерларида тракторларни ишлатиш жуда қийин бўлиб, асосий иш қўл кучи блан бажарилар эди. Шунинг учун ҳам пахта ҳосили гектарига 7—8 центнердан ошмас эди. Уч колхоз бирлашгандан кейин ерларимиз яхлит бўлди, майда ариқлар йўқотилиши ҳисобига ер анча кенгайди. Машиналардан яхшироқ фойдаланабошладик. Пахта ҳосили эса ҳар гектарига анча ошди.

Иттифоқ ҳукуматининг бу қарори қишлоқ хўжалигини яна ҳам ривожлантириш, ер-сувдан унумли фойдаланиш, деҳқончилик ишларини машиналаштириш, пахта ҳосилини тобора ошириш йўлларини белгилаб беради.

Биз партия ва ҳукуматимизнинг сталинча ғамхўрлигига пахтадан яна ҳам мўл ҳосил етиштириш, бу йилги ҳосилни сра нобуд қилмай йиғиб-териб олиб давлатга топшириш, ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта бериш ҳақидаги мажбуриятимизни тўла бажариш блан жавоб берамиз.

Райондаги «Оқ олтин», Ворошилов номли ва бошқа колхозларнинг а'золари ҳам СССР Министрлар Советининг қарорини қизғин муҳокама қилмоқдалар. Бу блан бирга пахта йиғим-теримга ҳартарафлама пухта тайёрлик кўрмоқдалар.

**Р. АШУРОВ.**

## *Деҳқончилик маданиятини оширадиган қарор*

**(Бухоро область, Свердлов район Қоролиқишлоқ советидаги Сталин номли колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Оллоназар ХУДОЕВ блан суҳбат)**

Партиямиз, ҳукуматимиз, шахсан улуғ доҳимиз ўртоқ Сталининг катта ғамхўрликлари туфайли қишлоқ хўжалиги йилдан-йил кўпроқ машиналаштирилаётир, пахтачиликни ривожлантириш учун кўплаб минерал ўғитлар берилаётир. Бу эса, республикамизда пахта ҳосилининг йилдан-йил кўтарилишига сабаб бўлмоқда. Буни бизнинг Сталин номли колхоз мисолида ҳам очиқ кўриш мумкин.

Биз 1948 йилда 305 гектар ернинг ҳар гектаридан 26 центнердан пахта берган эдик. Ўтган йили 28,7 центнердан ҳосил етиштирдик. Бу йил эса, 35 центнердан пахта бериш учун ва'да қилганмиз. Далада етишаётган ҳосил бу ва'дамизнинг сўзсиз бажарилажагидан дарак беради.

СССР Министрлар Советининг «Суғориладиган ерлардан тўлиқ фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик ишларини машиналаштиришни яхшилаш мақсадида янги суғориш системасига ўтиш тўғрисида» чиқарган тарихий қарори деҳқончилик ишларининг маданиятини янада кўтариш программасидир. Ўртоқ Сталин ташаббуси блан чиқарилган бу қарорда янги суғориш системасига ўтмай туриб, қишлоқ хўжалигида машиналардан яхши фойдаланиб бўлмаслиги равшан кўрсатилгандир.

Ҳақиқатан ҳам янги суғориш системасига ўтиш учун энди вақт етган. Бу, бизнинг Бухоро области каби кам сувли областьлар учун айниқса зарур. Чунки Бухоро областида «сувни кўпроқ олиш», «сувдан фойдаланишни яхшилаш» баҳонаси блан доимий ариқлар жуда кўпайтириб юборилган бу эса сувнинг анча қисми доимий ариқларда сингиб, исроф бўлишига сабаб бўлмоқда. Шу блан бирга бу ариқлар кўпгина суғориладиган ерларни банд қилиб келади. Ариқларнинг кўплиги пахта майдонларини кенгайтиришга ҳалақит беради, қишлоқ хўжалик машиналари бемалол юраолмайди.

Бизнинг Сталин номли колхозга Ленин номли, Каганович номли колхозлар қўшилгандан кейин колхозимизнинг пахта майдони 587 гектар бўлди. Ҳозир бу ерларнинг 50 гектарини доимий ариқлар банд қилиб турибди. Сув тақсимловчи ариқлардан ташқари пахта майдонлари орасида 35 та майда ариқлар бор. Бу ариқларни тозалаш, ремонт қилиш учун ҳар йили 1.000 тадан тортиб, 1.200—1.800 тагача механ кучи сарфланиб келади.

Бизда тракторлар бемалол юрадиган пахта ҳосилини нобуд қилмай айлана оладиган яхлит ерлар кўп эмас. Дўст Боҳоров, Очил Дамиров, Бобожон Тошев ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг ерлари айниқса майда. Бу, мўл ҳосилга катта зарба бўлади. Ўтган йил Умар Хўжақулов, Азим Хатамов бошлиқ бригадалар 35—37 центнердан пахта берганлари ҳолда Боҳоров ва Тошев бригадалари 21—22 центнердан ҳосил олдилар. Чунки юқори ҳосилли бригадаларнинг ерлари яхлит бўлиб, улар машиналардан унумли фойдаланаётирлар ва юқори ҳосил олмоқдалар.

Иттифоқ ҳукуматининг деҳқончилик ишларини маданиятини янада оширадиган бу қарорини колхозчиларимиз жуда ма'қулламоқдалар ва унинг ижодчиси ўртоқ Сталинга ташаккур изҳор қилмоқдалар. Қарор колхозчиларимизни тобора яхшироқ ишлашга руҳлантирмоқда.

## Жанговар программа

ДЕНОВ. (**«Қизил Ўзбекистон» нинг Сурхондарё область мухбиридан**). Район колхозчилари СССР Министрлар Советининг «Суғориладиган ерлардан тўла фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик ишларини машиналаштиришни яхшилаш мақсадида янги суғориш системасига ўтиш тўғрисида»ги қарорини зўр ҳурсандчилик блан кутиб олдилар. Колхозларда бу қарорни муҳокама қилишга бағишланган йиғилишлар бўлаётир.

Сталин номли колхозда бўлиб ўтган йиғилишда колхоз раиси ўртоқ Бозорраҳмат Юсупов бундай деди:

— Яқинда колхозимиз учта қишлоқ хўжалик артели блан бирлашди. Пахта ерларимизни ишлаш учун машиналардан янада кўпроқ фойдаланишга имконият тугилди. Иттифоқ ҳукуматининг қарорини тўла амалга оширишимиз учун бизда ҳамма имконият бор.

Ҳозир колхозда ирригация-мелиорация ишларини тартибга солиш икки ҳафталиги ўтаётир. Бу жуда катта ишга бермоқда. Колхозда 300 метр узунликда зовур қазилди.

Бригада бошлиғи ўртоқ Ҳамро Назаров ўз сўзида бундай деди:

— Бригадамизда машиналарнинг бемалол юриши учун имкон берадиган яхлит ерлар кам. Биз пахта майдонлари орасидаги қичик ариқларни тугатиб, еримизни яхлит қиламиз ва машиналарнинг бемалол юришини учун имконият тугдирамиз.

Шу блан бирга колхозда пахта йиғим-теримига ҳам пухта тайёргарлик кўриластир. Ҳозиргача 3 та юк машинаси, 37 та арава ремонтдан чиқарилди. 12 та хирмон йўллари ҳозирланди, этаклар, коп-қанорлар тайёрланмоқда.

**Л. ЭРГАШЕВ.**

ФЕЛЬЕТОН

# Танқидни бўғучилар

Ба'зи ташкилотлар ва айрим идораларнинг раҳбарлари танқид деса қирқ газ нари сачрайдилар. Шундай бўлса ҳам жамоат олдида бўш келмай ва сирни бой бермай «Биз ўз-ўзини танқидни кучайтириш учун ундай қилишимиз керак, бундай қилишимиз керак» деб лоф уриб, ва'захонлик қиладилар. Аммо уларни бирон ходим жиндак танқид қилиб қўйса бошқа бир нарсадан баҳона ахтариб унинг оёғидан чалишга уринадилар. Уларнинг усталиги шундаки, «Биз танқидни севмаймиз, бизга тегманг» демайдилар, лекин тирноқ орасидан кир излаб, арзимаган нарсаларни баҳона қиладилар-да, софдиллик блан танқид қилган кишига туҳмат тошларини ёғдирадилар.

Ўзбекистон ССР Маориф министрининг ўринбосари Е. В. Рачинская, Олий педагогика ўқув юртлари ва педагогика билим юртлари бўлимининг бошлиғи К. Е. Эман, унинг ўринбосари И. Г. Черняк, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ва ўқитувчилар институтининг директори А. Исломов ўртоқлар худди шундай кишилардир. Бу раҳбарлар оғизда «танқидга тарафдорлар», агар борди-ю, бирон киши уларнинг ишларидаги нуқсонларни танқид қилиб қўйса етти думалоқ ошиб шовқин-сурон солишга, оқни қора, қорани оқ деб оёқ тираб олишга киришадилар. Танқид қилган киши улардан қутилмайди.

Министрликнинг Олий педагогика ўқув юртлари ва педагогика билим юртлари бўлимининг инспектори коммунист ўртоқ М. Ҳамидов «Ўқитувчилар газетаси»нинг шу йил 2 август сонида Низомий номидаги педагогика институти ва ўқитувчилар институтининг сиртқи бўлимларида ўқув сифати пасайиб кетганлиги, машғулотларга давоматнинг қониқарсизлигини танқид қилди. Бу танқид ҳаққоний, большевистик танқид эди. Ҳақиқатан ҳам бу йилги ўқувга студентларнинг тўла иштирок этиши та'мин этилмади. Физика-математика факультетининг I ўзбек курсига 29 киши ўрнига 17 киши, табиёт факультетининг II курсига 22 киши ўрнига 15 киши, тарих факультетининг I курсига 19 киши ўрнига 13 киши келди. Бошқа факультет ва курсларда ҳам айнан шу аҳволни кўриш мумкин. Мақолада бу фактдан бошқа яна Сигбатуллина, Маллаев, Мавашев, Троицкий, Усмонов, Акбаров каби ўқитувчиларнинг машғулотларни ўтказишдаги нуқсонлари, институт директори Исломов, унинг сиртқи ўқув бўйича ўринбосарлари Ляпина, Бекмуҳаммедова ўртоқларнинг ўз ишларига бепарво қараганликлари кўрсатилган.

Бу мақола чиқиши бланоқ институтда шов-шув кўтарилди:

— Бу қандай ҳақорат, биз 15—20 йилдан буён институтларда ўқитувчилик қилиб келсак-да, келиб-келиб бутун бизни масхара қилсалар, ким бунга тоқат қилиб туради, бормисиз министрликдаги ўртоқлар, бизга тинчлик берадиларми-йўқми?

Исломов ҳам, Ляпина ва Бекмуҳаммедова ўртоқлар ҳам худди шундай шовқин-сурон кўтардилар, улар шу қадар ҳовлиқиб, ҳаяжонланиб кетдиларки, ҳатто айтаётган сўзларига тушуниб ҳам бўлмас, уларнинг бу ҳолини кўрган кишилар «бирон бахтсизлик рўй берипти шекилли» деб ўйлаши мумкин эди.

Улар газетани қўлга олиб министрликка — Эман ва Рачинская ўртоқлар ёнига югурдилар:

— Хўш, бизни танқид қилишга кимнинг ҳақи бор? Биз эски, иш кўрсатган ўқитувчилармиз. Ҳамидовни ишдан ҳайдайсизми — йўқми? Студентлар олдида бизнинг обрўйимиз тўққиз пул бўлдику?!

Ўртоқ Эман ҳам чакана иш кўрган кишилардан эмас. У узоқ ўйлаб ўтирмасдан дарров бу «дард»га «шифо» топди ва уларнинг кўнглини олди:

— Газета танқиди нотўғри деб бирқанча студентлар номидан министрликка хат уюштиринг, у ёғини биз ўзимиз биламиз.

Ўртоқ Рачинская ёнига бордилар.

— Ия, бу танқидий хабарни нима учун биз блан келишмасдан «Ўқитувчилар газетаси»да боспиптилар?!—деди ўртоқ Рачинская. Орадан бир оз вақт ўтиб, «нима қиламиз?». «Ҳамидовга қарши қандай қилиб зарба бериш керак?» деган саволлар чуваланиб кетди. Студентлар номидан ёзиладиган хат ўртоқ Рачинскаяга ёқиб тушди.

— Бу оқилона гап, — деди Рачинская Эманга, — лекин сиз унгача Ҳамидовга виговор ҳам э'лон қилиб қўйинг. Кейинроқ бир нарсани баҳона қилиб туриб уни министрлик даргоҳидан бирatўла жўнатиб юбориш осон бўлади.

Улар яна шу масалага доир бошқа ишлар устида ҳам битишиб олдилар. Ўртоқ Рачинскаянинг шипшитиши блан Ҳамидовнинг «саводсизлиги», «ёмон одамлиги», «туҳматчилиги» ҳақида тахи бузилмаган «дело»лар очилабошлади. Бу «дело»ларни тезроқ тўлдириш вазифаси ўртоқ Эман блан унинг ўринбосари ўртоқ Черняккa топширилди. «Дело»ларга ўртоқ Ҳамидовнинг кўчада кетатуриб нохос қоқилиб кетганлиги ҳақидаги «материал»ларгина тикилмади, холос. Қолган бошқа нарсаларнинг ҳаммаси «дело»дан жой олди.

Исломов, Ляпина, Бекмуҳаммедова ўртоқлар эпчиллик қилиб ўқув жадвалини йўқ қилиб, янгисини туздилар, курслардаги йўқлама дафтарларини қўлга олиб, — (минус)ни +(плюс) қилиб қўйдилар. Ясама аттестатлар блан институтга кирган кишиларнинг материалларини кўздан ғойиб қилдилар. Шундан кейин институтда мажлис чақириб, газета танқидининг «нотўғри», «туҳматдан иборат эканлиги» ҳақида қарор қабул қилдилар. 40 студент имзоси блан ўртоқ Рачинская номига махсус хат ҳам уюштириб қўйилди.

Рачинская, Эман, Черняк, Исломов, Ляпина ва бошқалар шу кунларда бамисоли ўт бўлиб ёниб туриптилар. Улар ҳозир ишни чуқур муҳокама қилиш ҳолатида эмаслар, газета танқиди ҳақида гап очиб қолсангиз, тутақиб туриб:

— Бошдан-оёқ ёлғон, туҳмат, Ҳамидовга жазо бериш, газета муҳаррирининг масаласини коллегияга қўйиш керак! — деб жар соладилар, у кабинетдан бу кабинетга қатнайдилар, аллақаёқларга телефон қоқадилар.

Агар сиз бу йил машғулотларга студентларнинг тўла составда келмаганлиги ҳақида ўртоқ Ляпина блан сўзлашсангиз:

— Ҳали шунга ҳам севиниб туринг!— дейди у. Сиртдан ўқучиларнинг лекцияларга тўла қатнашмаслигини ўртоқ Исломовга айтсангиз:

— Улар имтиҳон берсалар бўлгани, биз формализмга қарши курашишимиз керак! — деб ўзиникини ма'қуллайди. Педагогика институти адабиёт факультети I—III курси, ўқитувчилар институти II курс студентлари, рус ва ўзбек группалари бирга қўшилиб, рус адабиёти фанидан ўқитувчи ўртоқ Троицкийнинг лекция ўқиб келаётганлиги ҳақида оғиз очсангиз:

— Ўқитувчи касал бўлиб қолса шундай қилишга мажбурмиз, — дейди ўртоқ Ляпина, курсларнинг ҳарбирида программа бўйича бу фандан турлича дарс соатлари белгиланганлигига э'тибор бермай, қўл силтайди. Ўқитувчи ўртоқ М. Ф. Зальцманнинг бир кунда 67 студентдан имтиҳон олганлиги ҳақида э'тироз билдирсангиз:

— Ўқитувчининг қобилиятини бўғиб қўясизми? — деб у аксинча сизга э'тироз билдиради. Институтнинг Тошкент, Ўртачирчиқ, Янгийўл, Сирдар'ё районларидаги консультация пунктларида ўқитувчиларнинг тез-тез алмашиб туриши, институтни тамомлаган кишиларнинг пунктларда III—IV курс студентларига консультация бериши тўғри эмаслигини гапирсангиз ўртоқ Исломов бунга ҳам дарров жавоб топиб беради:

— Биз ўқитувчиларни бир ерда доимий ишланг дейишга ҳақимиз йўқ. Институтни тамомлаган кишиларнинг эса, юқори курс студентларига консультация беришини нотўғри деб бўлмайди. Ахир шуни тушуниш керакки, улар лекция ўқимайдилар, консультация берадилар!

Ўқитувчи Ждановнинг 4—5 фандан дарс бериши, ба'зи студентларнинг III курсда бўлатуриб, ҳалигача I курс имтиҳонидан қутилмаганликлари ҳам турли «об'ектив сабаблар» блан хаспўшлаб ўтилади.

Ҳуллас бу раҳбар ходимларнинг да'восича институтда ҳамма иш жойида эди-ку, лекин «Ўқитувчилар газетаси» қўққисдан «туҳмат» ташлаб қўйди. Аслда гап шундаки, бу раҳбарлар большевистик танқид ва ўз-ўзини танқидни севмайдилар, танқид эшитмай суяклари қотиб қолган, биров ёнларидан ўтиб кетатуриб билмасдан йўталиб юборса ҳам олазарак бўлиб турадилар, танқиднинг «т» ҳарфини эшитсалар ўтакалари ёрилади, бирон ходим танқид қилса амалдан тушиб қолаётгандай бўладилар.

Биз, Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги партия ташкилоти, министрликнинг коллегияси большевистик танқидни бўғадиган кишиларни тартибга чақирар, ҳеч бўлмаса уларни ўз-ўзини танқиднинг элементар қоидалари блан хабардор қилиб қўяр деб ишонамиз.

**Ориф ЮНУС.**
**М. ТУРҒОНОВ.**

Сурхондар'ё область, Термиз районидаги «Намуна» колхози чорвачиликни ривожлантириш учйиллик планини муддатидан олдин бажарди. **Суратда:** отчилик фермасининг энг яхши стахановчиси **Тожибой Парпибоев** ўзи тарбиялаган оти блан.

**А. Ашкинезер** фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

# АНДИЖОНДА

### СССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

Фарғона водисидаги қадимги тарихини ўрганиш учун СССР Фанлар Академиясининг экспедицияси шу кунларда Андижон областига келиб иш кўраётир. Тарих фанлари доктори, профессор А. Н. Берштам раҳбарлик қилаётган бу экспедиция ишларига Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, СССР Фанлар Академияси Қирғизистон филиали, Андижон ўлкани ўрганиш музейининг илмий ходимлари ёрдам бермоқдалар.

Экспедиция ишни Марҳамат райони яқинидаги қадимги Эрши шаҳрини текширишдан бошлади. Ҳозир бу ерда қазиш ишлари олиб борилмоқда ва ўзбек ҳамда қирғиз халқининг ўтмишига доир жуда қизиқ ҳужжатлар топилмоқда.

### ПАХТАНИ МАШИНА БЛАН ТЕРИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

Бу йил областьда 30 минг гектардан ортиқ ердаги пахта машина блан терилади. Бунинг учун область кўп миқдорда териш машиналари олди. Ҳозир бу машиналарда ишлайдиган кадрлар тайёрлаш қизғин бормоқда.

Избоскан, Хўжаобод, Жалақудуқ, Ленин, Сталин ва бошқа районлардаги МТС лар ҳузурида, область пахтачилик бошқармаси қошида очилган қисқа муддатли курслар ишлаб турибди. Бу курсларда 202 киши ўқимоқда.

Курслар СХМ-48, СХН-Д, ДН маркали териш машиналарини ўрганишга доир адабиётлар, бу машиналарга мутахассис бўлган ўқитувчилар ва ўқиш қуроллари блан етарли даражада та'минланган.

### АҲОЛИГА ҚИШ УЧУН ЁҚИЛҒИ

«Узтоп»нинг Андижон шаҳар бўлими сўнгги бир ой ичида аҳолига 1.100 тонна кўмир тарқатди. Яна 3.550 тонна кўмир, ўтин тарқатиш мўлжалланади.

Шунингдек, шаҳардаги 26 мактабнинг ҳаммаси, болалар уйи, болалар боқчаси ва ясслиларнинг 75 проценти, касалхоналар қиш учун ўтин-кўмир блан та'минланди.

### «СРЕДАЗНЕФТЕСТРОЙ»ГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚ

«Средазнефтестрой»нинг Андижондаги 6-нчи қурилиш бошқармаси 15 ойдан буён СССР Министрлар Советининг илғор қурувчилар учун та'сис этган кўчма қизил байроғини ўз қўлида сақлаб келаётир. Бошқарма коллективи қурилиш ишлари юзасидан 1950 йилнинг иккинчи квартали учун берилган топшириқни ошиғи блан бажариб, қизил байроқни яна сақлаб қолди. Коллективга 470 минг сўм мукофот ҳам берилди. Бу, коллективнинг 15 ой ичида бешинчи марта мукофот олишидир.

### ДАЛАДА САВДО

Колхозчилар ўртасида маданий савдони яхши йўлга қўйиш, мол оборотини тезлатиш мақсадида область ва район матлубот жамиятлари томонидан ташкил қилинган кўчма савдо яхши натижа бераётир. Қўлда кўтариб сотучи 390 та лоток, арава ва машинада юриб сотучи 136 та дўконнинг ҳаммаси савдо-сотиқ планини ошириб бажармоқда.

Область матлубот жамияти пахта йиғим-терими даврида кўчма дўконлар сонини янада кўпайтириш учун тегишли чоралар кўраётир.

**М. БОБОШ.**

# ВЦСПСнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Советига мурожаати

ВЦСПС 19 августда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Советига қуйидаги телеграмма блан мурожаат қилди:

«НЬЮ-ЙОРК, Лейк-Саксесс Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Советига.

Бутун Иттифоқ Касаба Союзларининг Марказий Совети Американинг Қуриядаги интервенциясига қарши, Қурия шаҳар ва қишлоқларининг авиация томонидан шафқатсиз бомбардимон қилинишига, денгиз соҳилидаги районларнинг ҳарбий-денгиз флоти томонидан тўпга тутилишига ва америка қўшинларининг Қуриядаги тинч аҳолини кўплаб қиришда ишлаётган бошқа ваҳшиёна методларига қарши миллионлаб ишчи ва хизматчилар—совет касаба союзларининг а'золари номидан қат'ий норозилик билдиради.

Бутун дун'ёдаги миллион-миллион софдил кишилардек, Совет Иттифоқининг ишчи ва хизматчилари ҳам биладиларки, Қуриядаги минг-минглаб хотин-қизлар, болалар ва кексаларнинг қирилаётганлиги учун Америка Қўшма Штатлари ҳукумати жавобгардир. Америка Қўшма Штатлари ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставини қўпол равишда бузиб ва бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш юзасидан олган мажбуриятларини қўпол равишда поймол қилиб, Қурияга қарши агрессия бошлади, қурия халқининг ички ишларига очиқдан-очиқ аралашиб, қурия халқига қарши қуруқликдаги аскарлари, ҳарбий-денгиз флоти ва авиациясининг катта кучларини юборди.

Америка ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак номи блан ниқобланиб, амалда қурия халқига қарши босқинчилик уруши олиб бормоқда. Қурияда ўзининг империалистик мақсадларини амалга оширишга уринмоқда. Бу мақсадлар қурия халқини озодлик ва мустақилликдан маҳрум этишдан ҳамда Қурияда Америка Қўшма Штатларидаги ҳукмрон доираларга Қурияни Узоқ Шарқдаги ўз мустамлакасига айлантириш имкониятини берадиган усул идорани ўрнатишдан иборатдир.

Америка Қўшма Штатлари ҳукумати Қурия масаласининг тинч йўл блан ҳал этилишига тўсқинлик қилиб, ўзини Қуриядаги қирғинчилик урушининг ташкилотчиси, бегуноҳ аҳолининг бошига янги уруш кулфатларини келтирган империалистик босқинчи сифатида фош қилаётир.

Бутун Иттифоқ Касаба Союзлари Марказий Советининг фикрича, Хавфсизлик Совети бутун дун'ёдаги миллион-миллион софдил кишиларнинг овозига қулоқ солиб, қурия халқига қарши бошланган америка агрессиясига дарҳол барҳам бериши, Қурия тинч аҳолисининг қирилишини тўхтатиши, я'ни бутун инсониятни ғазаблантираётган қирғинни ўз ихтиёридаги ҳамма воситалар ёрдами блан тўхтатиши лозим.

Бутун Иттифоқ Касаба Союзлари Марказий Совети СССР касаба союзлари а'золарининг тинчликни якдиллик блан қувватлаётганларини ифода қилиб, қуйидагиларни бажариш зарур деб ҳисоблайди:

1. Тинчликни та'минловчи асосий халқаро орган бўлган Хавфсизлик Совети Америка Қўшма Штатларининг Қуриядаги агрессиясини қораласин.
2. Хавфсизлик Совети Америка Қўшма Штатлари ҳукуматига америка авиацияси томонидан ва бошқа йўллар блан Қурия шаҳар ва қишлоқларининг ваҳшийларча бомбардимон қилинишини ҳамда тинч аҳолининг қирилишини тўхтатишни дарҳол таклиф этсин.
3. Қуриядаги америка интервенциясини дарҳол тўхтатиш ва ҳамма чет эл қўшинларини Қуриядан олиб кетиш тўғрисида қарор қабул қилинсин.

1950 йил 19 август.

Бутун Иттифоқ Касаба Союзлари Марказий Совети номидан

**ВЦСПС раиси—В. КУЗНЕЦОВ».**

# Қуриядаги воқиалар

### ҚУРИЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРМИЯСИ БОШ ҚЎМОНДОНЛИГИНИНГ АХБОРОТЛАРИ

ПХЕНЬЯН, 19 август. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги 19 август эрталаб қуйидаги ахборотни э'лон қилди: Халқ армиясининг қисмлари ҳамма фронтларда америка қўшинларига ва лисинманчи қўшинларга қарши шиддатли жангларни давом эттириб, уларга жиддий талафот етказдилар.

Халқ армиясининг Гуньи (Гун И)ни озод қилган қисмлари Гуньи (Гун И)нинг жанубидаги районда ҳужумни давом эттириб, лисинманчи қўғирчоқ қўшинларнинг қаршилик кўрсатмоқчи бўлиб урinган 5-нчи дивизиясига катта талафот етказдилар.

Халқ армиясининг жанубий қирғоқ бўйида ҳужум қилаётган қўшинлари илгари силжишни давом эттирмоқдалар ва мағлубиятга учрагандан кейин чекинаётган 25-нчи америка дивизияси қисмларига қақшатғич зарбалар бермоқдалар.

Халқ армиясининг шарқий қирғоқда ҳаракат қилаётган қисмлари душманнинг қарши ҳужумини қайтариб, шиддатли жанглар олиб бормоқдалар.

ПХЕНЬЯН, 19 август. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги 19 август кечқурун қуйидаги ахборотни э'лон қилди:

Халқ армиясининг қисмлари ҳамма фронтларда қаттиқ қаршилик кўрсатаётган душманга қарши шиддатли жангларни давом эттирдилар.

Америка қўшинлари ва лисинманчи қўшинлар америка авиациясидан мадад олиб, қаттиқ қаршилик кўрсатмоқдалар.

Шарқий қирғоқда Халқ армияси қисмлари ишғол қилган пунктларни қайтариб олиш ниятида душман қарши атака қилди, лекин Халқ армияси қўшинларининг зарбалари остида душман кўп талафот кўриб чекинмоқда.

Америка авиацияси фронт орқасидаги тинч шаҳар ва қишлоқларни ваҳшийларча бомбардимон қилмоқда.

18 августда Америка бомбардимончи аэропланлари Жанубий Пхеньян, Жанубий Хамген ва Канвон вилоятларида аҳоли яшайдиган кўп районларни ваҳшийларча бомбардимон қилди. Бомбардимон натижасида кўпгина уй-жойлар ва маданий-оқартув муассасалари вайрон қилинди.

Тинч аҳоли ўртасида қурбонлар кўп.

ПХЕНЬЯН, 20 август. (ТАСС). Пхеньян радиоси қуйидаги хабарни эшитдирди: Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги 20 август эрталаб ахборот э'лон қилди, ахборотда бундай дейилади:

Халқ армиясининг қисмлари ҳамма фронтларда қаттиқ қаршилик кўрсатаётган душманга қарши шиддатли жангларни давом эттирдилар.

Халқ армиясининг қисмлари Егвань (Икан) районида танк қисмлари ва авиация мадади блан қарши ҳужум қилаётган америка қўшинлари ва лисинманчи қўшинларга қақшатғич зарбалар бердилар.

Бу жанглар вақтида Халқ армиясининг артиллерия қисмлари қаттиқ ўт очиб, душманнинг кўп танкларини яксон қилдилар ва ёндириб юбордилар ҳамда душманнинг қарши ҳужумини қайтардилар. Шу блан бирга душман аскарларига ва унинг техникасига кўп талафот етказилди.

Халқ армиясининг жанубий қирғоқ районида ҳужум қилаётган қисмлари 25-нчи америка дивизиясининг қисмларига қарши шиддатли жанглар олиб бормоқдалар. Америка қисмлари қулай географик шароитдан ва мудофаа иншоотларидан фойдаланиб, қаттиқ қаршилик кўрсатмоқдалар.

19 августда 12 та америка қирувчи аэроплани Сеулга ҳужум қилган вақтда Халқ армиясининг зенит артиллерияси 5 та душман аэропланини уриб туширди. Бу аэропланлар Сеул шаҳрининг Денно районига йиқилиб тушдилар.

ПХЕНЬЯН, 20 август. (ТАСС). Пхеньян радиоси қуйидаги хабарни эшитдирди: Қурия халқ—демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги 20 август кечқурун қуйидаги ахборотни чиқарди:

Халқ армиясининг қисмлари ҳамма фронтларда қаттиқ қаршилик кўрсатаётган америка қўшинларига ва лисинманчи қўшинларга қарши шиддатли жангларни давом эттирдилар.

Халқ армиясининг зенит артиллерия қисми Вонсан (Гензан)га ҳужум қилган «В-29» деган бир америка бомбардимончи аэропланини уриб туширди. 18 августда «В-29» деган тўрт америка бомбардимончи аэроплани ва бир қирувчи аэроплан уриб туширилди. Илгари хабар берилганидек, 19 августда бешта америка қирувчи аэроплани уриб туширилди. Бундан ташқари, Кэсон (Кайдзйо)га ҳужум қилмоқчи бўлган бир америка аэроплани ҳам уриб туширилди.

20 августда америка аэропланлари Пхеньянга беш марта ҳужум қилиб, шаҳарни палапартиш бомбардимон қилдилар. Зенит артиллериясининг ўти блан душман аэропланлари ҳайдаб юборилди. Душманнинг бир аэроплани уриб туширилди.

### ҚУРИЯДАГИ УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА АМЕРИКА ХАБАРЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 20 август. (ТАСС) Ассошиэйтед Пресс агентлиги хабар беради: Қуриядан олинган хабарларга қараганда, америка қўшинлари ва лисинманчи қўшинлар Пхохан (Хокодо)—Киджи районида ва Тэгу (Тайко)дан ғарби-шимолда ҳужум ҳаракатлари бошлаганлар. Америка денгиз пиёда аскарлари қўшилмасининг қўмондони бригада генерали Крэйг «Шимолий Қурия қўшинлари жуда қаттиқ қаршилик кўрсатдилар, биз бу ҳужум вақтида кўп киши йўқотганимизга пушаймон қиламиз» деган.

Юнайтед Пресс агентлигининг Қуриядаги мухбири берган хабарга кўра, Шимолий Қурия қўшинлари қаттиқ жанглар вақтида Масань (Масан)дан 20 километр ғарбда америка линиясига кирганлар. Америка ҳарбий раҳбарлари асосий хавф ҳали ҳам Тэгу (Тайкю)дан шимолдаги жойдадир деб ҳисоблайдилар.

## ПОЛЬША АВИАЦИЯСИНИНГ БАЙРАМИ

ВАРШАВА, 20 август. (ТАСС). 1944 йил 23 августда биринчи поляк қирувчи авиация полки «Варшава» совет Ҳарбий-Ҳаво Кучлари составида фашист авиациясига қарши биринчи марта жанг қилабошлаган эди.

Халқ Польшаси ҳукумати бу кунни Польша авиациясининг байрами деб э'лон қилди.

Бугун Варшавада Авиация куни муносабати блан Окенце аэродромида катта традицион ҳаво паради бўлди. Аэродромга Министрлар Советининг раиси Ю. Циранкевич бошчилигида ҳукумат а'золари, сиёсий партияларнинг ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳамда Польша пойтахти меҳнаткашларидан 100 мингдан ортиқ киши келди.

Парадда СССР нинг Польшадаги элчиси В. З. Лебедев бошчилигида дипломатия корпусининг а'золари ҳам ҳозир бўлдилар.

Польша учучилари ҳаво парадини бошлаб, осмонда «покуй» (тинчлик) сўзини ёздилар.

Аэропланлар аэродром устидан Генералиссимус И. В. Сталин ва Польша республикасининг президенти Б. Берут портретларини олиб учиб ўтдилар.

Польшадаги ҳаво парадида биринчи марта реактив аэропланлар ҳам қатнашдилар.

Бугунги байрам тинчлик ва социализм учун курашучилар жаҳон лагерининг бир қисми бўлган Польша республикасининг қудратини ёрқин намойиш қилди.

## Бельгия компартиясининг раиси Жюльен Лаонинг ўлдирилишига доир

ПАРИЖ, 19 август. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги Брюсселдан олиб хабар беради:

Бугун мотам рамкасида чиққан «Драпо руж» газетаси леопольдчилар (Леопольд III тарафдорлари—**Редакция**) томонидан Лао ўлдирилганлигини хабар қилди. Газета «биз улуғ йўлбошчимиз ўз ҳаётини фидо қилган ишни янада қат'ият блан ҳимоя қилиб, бу блан унинг учун қасос оламиз» деб ёзади.

РИМ, 19 август. (ТАСС). «Унита» газетаси Бельгия коммунистлар партиясининг раиси Жюльен Лаонинг ёвузларча ўлдирилиши «клерикал реакциянинг мудҳиш жиноятидир» деб ёзади. «Лаонинг қотиллари,—деб ёзади «Унита» газетаси,—безорилар ва фашист босқинчилар ишлатган қабиҳ методларни қўлландилар. Лаони ўлдирган жиноятчиларнинг номлари ҳозирча ма'лум эмас, лекин бу жиноятда кимларнинг қўли борлиги тамомила аён. Лаонинг қони учун Ғарбий Европада ҳукмронлик қилаётган сиёсий усул идоралар жавобгардир». Газетанинг ёзишича, Лао леопольдчи реакциянинг қурбони бўлди. Бу реакциянинг хўжайинлари Америка ва Ватикан бу жиноятга олиб келган шароитни вужудга келтирдилар.

**Мас'ул муҳаррир ўринбосари**
**Б. РАҲМОНОВ.**

# Жарқўрғон районининг маркази обод қилинсин

Жарқўрғон — Сурхондар'ё областининг йирик саноатлашаётган ва қишлоқ хўжалигининг хилма-хил тармоқлари, биринчи навбатда пахтачилик кенг юксалаётган районларидан бири. Лекин районда ободончилик ишларининг аҳволи кўнгилдагидек эмас.

Район ижроия комитети сўнгги йиллар ичида район марказини обод қилиш юзасидан бирқанча ишларни ўз ичига олган тадбирлар белгилаб қатор-қатор қарорлар чиқарди. Броқ район ижроия комитети қабул қилаётган бу қарорлар бажарилмасдан қолиб келмоқда.

Район раҳбарлари ҳар йили баҳорда дарахт ўтқазиш ва кўчаларни кўкаламзорлаштириш ҳақида кўп шовқин-сурон кўтарадилар. Афсуски, улар ўтқазилган дарахтларнинг тутиши устидан назорат қилмайдилар. 1948—49 йилларда кўчаларга ўтқазилган 45 минг туп ва бу йил ўтқазилган бирнеча минг туп дарахтнинг кўп қисми назоратсизлик орқасида қуриб қолди.

Район ижроия комитети аҳолига маданий-маиший шароит яратиб бериш ҳақида ҳам тузук ғамхўрлик қилаётгани йўқ. Бу йил райондаги маданият ва истироҳат боғини кенгайтириб, халққа яхши хизмат қилишини та'минлаш кўзда тутилган эди. Ёз ўтиб кетаётганига қарамай, бу иш ҳамон бажарилмаётир. Маданият ва истироҳат боғида маданий ҳордиқ чиқарадиган бирон тузукроқ жой йўқ. Жуда тор ҳажмдаги бу истироҳат боғи Жарқўрғон сельпосининг ошхоналаридан бирига айлантириб қўйилди.

Район марказидаги жамоат бинолари ва меҳнаткашларнинг уйлари «Термизнефть» трестининг дизелидан олинган қувват блан ёритилади. Электр қуввати етишмаганлиги сабабли радиоузел ҳам дуруст ишламайди. Районда бирнеча йилдан буён спорт майдончаси ташкил қилиш ҳақида гап бору, натижа йўқ. Кўчаларни озода сақлаш блан ҳам ҳеч ким қизиқмайди.

Район йўл қурилиши бўлими (бошлиғи ўртоқ Саматов) ўзининг йўл-кўприкларни тартибга келтиришдек асосий ишига совуққонлик блан қараб келмоқда. Унинг мас'улиятсизлиги натижасида район марказидан темир йўл станциясига борадиган йўлдаги 2 та кўприк бир йилдан буён тузатилмай ётипти.

Район меҳмонхонаси талабга мувофиқ ишламаётир. Пландаги 35 ўринга атиги 12 ўринли бу меҳмонхонанинг ярмини коммунал хўжалик бўлимининг хизматчилари эгаллаб олганлар.

Коммунал хўжалик бўлими (бошлиғи ўртоқ Мингатов) эски тураржойларни ремонт қилиш ва янги тураржойлар қуришга бепарво қараб келаётир. Шу кунгача ремонт талаб қиладиган 250 тураржойдан фақат 5 таси ремонт қилинган. Янги тураржой бинолари солиш иши эса жуда ёмон аҳволда. 4 квартирли тураржой бинолари қуриш иши ҳанузгача бошланган эмас. Бу эҳтиёжлар учун ажратилган жуда кўп давлат маблағидан тўғри фойдаланилмаётир.

Район коммунал хўжалиги бўлимининг бошлиғи ўртоқ Мингатов ўз ишининг уддасидан чиқолмаётир. У, ишга келганига анча вақт бўлганига қарамай, «мен янги одамман» деган кайфият блан юрипти. Район ижроия комитетининг раҳбарлари (раиси Доннёров, ўринбосари Асадуллин ўртоқлар) район марказини обод қилиш ва меҳнаткашларга маданий-маиший хизматни яхшилаш иши блан астойдил шуғулланишлари керак.

**С. ҲИДОЯТОВ.**

**КИНОТЕАТРЛАРДА:**

«РОДИНА» — кундуз **Кўк қиличлар**, кечқурун **Бешинчи океан.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — **Кўк қиличлар**, кеч соат 9 ва 11 да **Қадимги водевиль.**

«ВАТАН», ёзги «НАВОИЙ», «ХЕВА», «УДАРНИК» кинотеатрларида— **Кўк қиличлар.**

«ИСКРА» (ёзги)—**Райком секретари.**

«ШАРҚ» — **Рақиблар.**

«ИСКРА» (қишки) — 1-нчи залда **Ўн учлар**, 2-нчи залда **Эски Прага қаҳрамонлари**, 3-нчи залда **Райком секретари.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
22 августда қишки бинода
23 августда ёзги бинода

ПРЕМЬЕРА

Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби
**Обид Мусрепов** асари.
Қозоғистон ССР халқ артисти
Сталин мукофоти лауреати
**Брусиловский** музикаси

**Ипак қиз**

(«Қиз жибек»)
4 пардали музикали драма қўйилади.
**Миртемир** таржимаси.

Саҳнага қўйучи — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби **М. Муҳаммедов**, рассом— **Г. А. Визель**, дирижёр — **Н. М. Гинзбург.**

СССР Олий та'лим министрлигининг

**Ўрта Осиё давлат университети**

қуйидаги вазифаларда ишлаш учун

**КОНКУРС Э'ЛОН ҚИЛАДИ**

ПРОФЕССОРЛАР — КАФЕДРА МУДИРЛАРИ:

1. Ўсимликлар морфологияси ва анатомияси, 2. Рус тилшунослиги, 3. Гидробиология (ихтиолог), 4. Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи, 5. Давлат ҳуқуқи, 6. Жиноят ҳуқуқи ва процесс кафедраларига.

ДОЦЕНТЛАР — КАФЕДРА МУДИРЛАРИ:

1. Ўсимликлар физиологияси ва биохимияси, 2. Чет тиллар, 3. Жисмоний тарбия ва спорт кафедраларига.

КАФЕДРА ПРОФЕССОРЛАРИ:

1. Неорганик химия, 2. Петрография, 3. Юқори ўсимликлар ва ўсимлик географияси, 4. Давлат ҳуқуқи, 5. СССР тарихи, 6. Бутун дун'ё тарихи (янги тарих), 7. Граждан ҳуқуқи ва процесс, 8. Экспериментал физика, 9. Умумий физика кафедраларига.

КАФЕДРА ДОЦЕНТЛАРИ:

1. Умумий математика, 2. Эҳтимол назарияси ва математик статистика, 3. Назарий механика, 4. Астрономия, 5. Экспериментал физика (оптика), 6. Умумий физика, 7. Умумий ва тарихий геология, 8. Умуртқалилар зоологияси, 9. Дарвинизм ва селекция, 10. Тупроқшунослик, 11. Антропология, 12. Рус тилшунослиги, 13. Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи, 14. Марксизм-ленинизм асослари, 15. Фалсафа (логика), 16. Тожик ва форс адабиёти, 17. Минералогия.

Конкурс муддати — матбуотда э'лон қилинган кундан бошлаб бир ой.

Конкурсга қатнашучи кишилар аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб тақдим қиладилар: 1) кадрларни ҳисобга олиш варақаси, 2) таржимаи ҳол, 3) олий ма'лумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нотариусда тасдиқланган копияси, 4) илмий унвон ва даражаси ҳақидаги ҳужжатларнинг нотариусда тасдиқланган копиялари, 5) кейинги иш ўрнидан иш ва сиёсий характеристикаси, 6) асарларининг рўйхати, 7) асосий илмий асарлари.

Адрес: Тошкент шаҳар, Карл Маркс кўчаси, 32-нчи уй, 32-нчи хона. Университетнинг илмий бўлими.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси № 8. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 33468. Пропаганда бўлими — 31048. Маданият бўлими — 32036. Қишлоқ хўжалик бўлими — 34455. Саноат бўлими — 31226. Совет қурилиши бўлими—31638. Маҳаллий ахборот бўлими — 37604. Мухбирлар бўлими — 31638. Хатлар бўлими—32347. Э'лонлар бўлими — 37062. Секретариат — 34780 ва 33469. Коммутатор — 36334.

Р. 06358. «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1141.